

1930 йил
12 майдан
чиқа
бошлаган



Посёнда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИИВ НАШРИ

№ 4 (3324)

2000 йил 28 январь, жума

Сотувда эркин нархда

Бош мухаррир минбари

ТАРИХИЙ ВОҚЕА БЎЛИБ ҚОЛДИ

Ўтган ҳафтанинг охирида мамлакатимиз пойтахтида тарихий аҳамиятга эга бўлган воқеа рўй берди. Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессияси биринчи ййгилишида халқимиз томонидан мамлакат раҳбарлигига қайта сайланган Президентимиз Ислоҳ Каримов ўз вазифасини расмий бажаришга киришди ҳамда нутқ сўзлади.

Юртбошимиз ўзининг дастурий маърузасида келгусида давлат ва жамоат қурилишининг асосий мақсад ва вазифалари, ҳаётимизни янгилаш ва ислоҳ қилишнинг муҳим устувор йўналишларини белгилаб бердилар. Бунда Ўзбекистоннинг бош стратегик мақсади қатъий ва ўзгармас бўлиб, бозор иқтисодиётига асосланган эркин демократик давлат барпо этиш, фуқаролик жамиятининг мустақам пойдеворини шакллантиришдан иборат эканлиги алоҳида қайд этилди.

Президентимиз ушбу мақсадга эришиш йўллари ҳақида тўхталар эканлар "ривожланган давлатларнинг тажриба ва тараққиёт моделларидан кўр-кўрона нусха кўчирмаган ҳолда, уларга хос юксак ҳаёт даражаси ва сифати-га эришиш, мамлакатимизда миллати, тили ва динидан қатъи назар, ҳар бир инсоннинг барча ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатланадиган, фаровон турмуш тарзи таъминланадиган демократик ривожланиш йўлини изчил давом эттириш, шу билан бирга, биз халқимизнинг асрий олижаноб анъаналари-га, муқаддас динимизнинг инсонпарварлик моҳиятига, миллий қадрият-ларимизга доимо содиқ қолишимиз демакдир", дея таъкидладилар.

Юртбошимиз тилга олинган мақсадларга эришиш борасида мамлакатимизда сиёсат, иқтисодиёт, маънавият, ташқи сиёсат, хавфсизликни таъминлаш, суд-ҳуқуқ соҳаси ҳамда давлат қурилиши ва бошқаруви соҳасида амалга оширилиши лозим бўлган вазифаларни белгилаб бердилар.

Хусусан, маъмурий ислохотлар самарадорлигини ошириш тўғрисида фикр билдирад эканлар: "Биз аҳоли кўз ўнгида ҳокимиятни обрўсизланти-раётган порахўрлик, таъмагирлик ва коррупция кўринишлари билан бундан буён асло муроса қила олмаймиз", деб айтдилар.

Ички ишлар идораларининг ходимлари Президентимизнинг ушбу сўзла-ридан тегишли хулоса чиқариб, бундай нохуш ҳолатларга қарши кескин ку-раш олиб боришлари талаб этилади. Ўзбекистон ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари сафида юксак номга доғ туширувчи кимсалар бўлишига мутлақо йўл қўйиб бўлмайди.

Бу шунинг учун муҳимки, ички ишлар идораларининг ходимлари ҳам иштирок этаётган демократик ва ижтимоий-иқтисодий янгилинишлар ҳалол, пок ва келажак ҳақида ўйлайдиган одамлар томонидан амалга оширилади.

Мамлакатимиз раҳбари ўз маърузасида ҳуқуқ-тартибот идоралари ти-зимини ислоҳ этиш ва уларнинг жамоатчилик билан алоқаларини мустақ-камлашга ҳам алоҳида тўхталди. Бугунги кунда фуқаролик жамиятининг мустақам пойдевори яратилаётган юртимизда маҳалла кўмиталарининг аҳоли яшаш жойларида содир этилаётган жиноятлар ва бошқа гайриқонуний ҳа-ти-ҳаракатларини келтириб чиқараётган сабаб ва ҳолатларни аниқлаш, улар-ни бартараф этиш йўлидаги саъй-ҳаракатларни қўллаб-қувватлаш муҳим аҳамиятга эга.

Жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлашда "Чегара посбонлари", "Маҳалла посбонлари" каби фуқаролик тузилмалари муайян ишларни амалга оширмоқда. Тахририятимизга келатган хатлардан ушбу тузилмалар ҳозир-да нафақат фаолият юритиш, балки аҳоли ўртасида ўз обрў-эътиборига эга бўлиб бораётгани маълум қилинмоқда. Келгусида бу тузилмаларни янада такомиллаштириш, улар сафида кенг оммани жалб этиш ва тайёргарликни кучайтириш талаб этилади.

Жиноятчиликка, экстремизм ва жаҳолатнинг ҳар қандай кўринишларига қарши курашда умумий ҳонадонимиз – мустақил Ўзбекистонда тинчлик ва осойишталикни асраш йўлида аҳоли фаоллигини ошириш муҳимдир. Бу албатта, ўзининг ижобий натижасини беради.

Ички ишлар идораларининг ушбу йўналишдаги фаолияти Президентимиз томонидан мамлакатни стратегик ривожлантириш бўйича илгари су-рилган XXI аср бўсағаси ва унинг биринчи йилларида жамиятимизни янги-лаш ва ислохотларни чуқурлаштиришга қаратилган асосий устувор йўна-лишлар билан ҳаммаҳалла боғлиқ ҳолда олиб борилиши лозим.

Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг сайловолди дастурида мамлакатни стратегик ривожлантириш келгусида сиёсий ва иқтисодий ҳаётни, давлат ва жамият қурилиши жараёнларини эркинлаштиришдан иборат эканлиги ай-тиб ўтилган.

Ушбу стратегик йўлнинг асосий мақсади – Ватанимиз тараққиётига эри-шиш, халқ фаровонлигини юксалтириш, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамия-тига кенг миқёсда интеграциялашувини таъминлашдан иборатдир.

Кўзланган бу вазифаларга эришиш учун Президентимиз таъкидлагани-дек, ўз ҳақ-ҳуқуқларини танийдиган, ўз кучи ва имкониятларига таянадиган, атрофида содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга мустақил муносабат билан ёндошадиган, айна замонда шахсий манфаатларини мамлакат ва халқ ман-фаатлари билан уйғун ҳолда қўядиган эркин, ҳар жиҳатдан баркамол шахс-ларни тарбиялашимиз зарур.

Мамлакатда қонунчилик механизмини вуҷудга келтириш, Ўзбекистон халқининг мақсадлари кўзланган қонунчилик-ҳуқуқий базани мунтазам та-комиллаштириб бориш, демократиянинг муҳим принципи – сайлов ҳуқуқи ва одамларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин ифодалашини учун имкониятлар яратиш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш вазифалари парламент зиммаси-га қатта масъулият юклайди.

Сайловларда муносиб кишиларга ишонч билдириб овоз берган фуқаро-лар депутатларга ўзи, Ватани ва фарзандлари келажакини ишониб топ-ширишди. Эндиликда улар халқимизнинг ана шу ишончини, албатта, оқлай-ди, деб умид қиламиз.

ОҚ ЙЎЛ, ЁШ МУТАХАССИСЛАР!



2

БИЗ ЁРДАМГА ТАЙЁРМИЗ!

3 ИИВ олий ўқув юртларига
кирувчилар учун фойдали суҳбат.

"ҚИЗИЛ-ТУЛ"НИНГ 13 ҚОРА ИШИ

ҲИСОБЛИ ДУНЁ БУ 5

Ақромжон
ўз ота-онасини излайди...

КРОССЧАЙНВОРА

КЕЛГУСИ HAFTA UCHUN
MUNAJJIMLAR BASHORATI

ОЙНАИ ЖАҲОН ДАСТУРЛАРИ – Тўлалигича бизнинг газетамизда!



АЁЛ, ЖАМИЯТ, МУАММОЛАР

Долзарб мавзу

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида Республика хотин-қизлар кўмитасининг навбатдаги кенгаши бўлиб ўтди. Унда аёлларнинг жамиятдаги ўрни, ишлаб чиқариш ва жамоат ишларидаги иштироки, шунингдек, хотин-қизлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш масалалари кўриб чиқилди. Кенгашда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг ўринбосари, милиция генерал-майори Б. Парпиев иштирок этиб сўзга чиқди ва ички ишлар идоралари томонидан аёллар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш борасида олиб борилаётган ишларга батафсил тўхталди.

Мамлакатимизда демократик тамойилларга асосланган ҳуқуқий давлат куриши сари дадил ҳаракатлар боряпти. Иқтисодий жиҳатдан ривожланиш, мустақамланиш, халқимизни ҳар томонлама фаровон ҳаёт билан таъминлаш борасида олиб борилаётган кенг қамровли, кенг қўламли ишларда аёлларимизнинг ҳам муносиб ўрни бор. Ўтган йилни мамлакатимизда Президентимиз таъаббуси билан "Аёллар йили" деб эълон қилиниши, ҳар биримиз учун азиз, меҳрибон, мўътабар оналаримизга, аёлларимиз, опа-сингилларимиз, қизларимизга бўлган ҳурмат ва эътиборнинг юксаклигидан далолат беради. Ўтган йил давомида Ички ишлар вазирлиги ва унинг жойлардаги идоралари томонидан умрбоқий қадриятларни эъзозлаш, давлатимиз таянчи бўлган оилаларни ҳар томонлама мустақамлаш, соғлом авлодни шакллантириш, аёллар ва воёга етмаганлар, шунингдек, ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш йўналишлари бўйича бир қатор ташкилий ишлар амалга оширилди.

Биринчи навбатда суд, прокуратура идоралари билан ҳамкорликда хотин-қиз-

лар ва балоғатга етмаган ёшлар ўртасида содир этилаётган жиноятчиликнинг сабабларини ва шарт-шароитларини ўрганиш, бундай ҳолларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этишга қаратилган чора-тадбирларни кўришга алоҳида эътибор берилди.

Ҳуқуқий давлат куриши учун, аввало, фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлиги ва маданиятини ошириш зарур бўлади. Шу боис ҳам аёлларимизнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш мақсадига йўналтирилган тадбирларни мунтазам ўтказиб боришга алоҳида эътибор бердик. Бунинг учун ходимларимиз томонидан кенг жамоатчилик ўртасида, маҳаллаларда, билим масканларида ҳуқуқий мавзуларда суҳбат ва учрашувлар ўтказилди. Тадбирларда оила турмуш доирасидаги айрим жанжалли масалаларни ҳал этишда керакли маслаҳатлар берилди.

Бу борада Тошкент шаҳрида олиб борилаётган ишлар диққатга сазовордир. Пойтахтнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиб, 1995 йилдан бошлаб Ички ишлар вазирлиги раҳбар ходимлари Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва республика "Маҳалла" хайрия жамғарма-

си билан ҳамкорликда маҳаллаларда ҳуқуқий мавзуда аҳоли билан учрашувлар ўтказиб келмоқда.

Аёлларни муқаддас даргоҳ — оиланинг фариштаси дея эъзозлаймиз. Уларга ҳурматимиз бекиёс. Бироқ, айрим хотин-қизларнинг билиб-билмай жиноят кўчасига кириб қолаётгани жамиятимизга қора доғ бўлиб тушмоқда. Қонун устуворлиги жамиятимизнинг асосини ташкил қилар экан, жиноят содир этган ҳар қандай фуқаро тегишли жазога тортилади. Шу жумладан аёллар ҳам.

Жиноятга қўл урган, овозликдан маҳрум этилган аёлларга жазони ўташ жойларида зурур шароитлар яратишга катта эътибор берилди. Уч ёшгача фарзандлари бўлган маҳкума аёлларнинг болалари учун муассаса қошида боғча ишлаб турибди. Маҳкума аёлларнинг саломатлигини сақлаш учун ҳам барча зурур шарт-шароитлар яратилган. Мақсад — жазони ўтаб чиққандан кейин аёллар оила, рўзгор ишларини яна давом эттириб, фарзандлар тарбияси билан шуғуллансин. Уларнинг маънавиятини юксалтириш учун турли кечалар, концертлар ва бошқа маданий-маърифий тадбирлар уюштирилади.

Кейинги йилларда Президентимиз томонидан эълон қилинган Афв ҳақидаги Фармонларда биринчи галда аёлларнинг гуноҳидан ўтиш кўзда тутилган. Ўтган йили "Хотира ва қадрлаш куни" муносабати билан Афв этиш тўғрисидаги Фармон жазони ўташ муассасаларидаги де-

ярли барча аёлларга қўлланилди. Уларнинг бир қисми озодликка чиқарилган бўлса, қолганларининг жазо муддатлари маълум даражада қисқартирилди.

Олиб борилаётган ишлар кўлами катта, яна кўплаб ми-соллар келтириш мумкин. Бироқ, хотин-қизлар ўртасида жиноятчиликнинг содир этилиши камаймаяпти. Меҳрибон, мунис, азиз деб эъзозлаётган айрим опа-сингилларимиз ўғрилиқ, талончилик босқинчилик, фирибгарлик, безорилик жиноятларини содир этишяпти, кишини ларзага келтирадигани шуки, ҳатто оғир тан жароҳати етказиш ва қотиллик қилишгача етиб боришяпти. Айниқса, гиёҳвандлик моддалари билан олди-сотди қилиш, порахўрлик ва ноқонуний равишда валюта операциялари билан шуғулланиш каби иллатлар кенг жамоатчиликни ташвишга солмоқда.

Тошкент шаҳар Қозиробод кўчасида 9-уй 20-хонадонда яшайдиган В. Залконенко маст ҳолда оилавий жанжал туфайли эрининг кўкрагига пичоқ санчган.

Тўйтепа шаҳрида яшовчи М. Тўраева икки нафар ёш болани ўғирлаб кетиб, уларнинг ота-онасидан беш минг АҚШ доллари талаб этади. У айни пулни санаб олаётганда қўлга тушган.

Шу ўринда аёллар томонидан содир этилаётган жиноятларнинг, турли ноҳуш ҳолларнинг камаймаётгани сабаблари нимада, деган ҳақли савол туғилади. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, ҳали ҳам жойларда хотин-

қизлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш ишларини асосан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар зиммасига ташлаб қўйиб, бу борада ушбу идоралар билан хотин-қизлар ва бошқа жамоат ташкилотлари ўртасида етарли ҳамкорликка эришилаётгани йўқ. Аёллар йили учун тузилган дастурлар тўла бажарилмай, белгиланган тадбирларнинг бир қисми қоғозда қолиб кетди. Хотин-қизлар томонидан содир этилган жиноятларнинг сабабларини ўрганиб, таҳлил қилиб, аниқланган камчиликларни бартараф этишда сусткашликка йўл қўйилди.

Бугунги кунда оилавий муҳитни ўрганиш ва уни барқарорлаштириш чораларини кўриш энг долзарб масалалардан бири бўлишига қарамасдан бу йўналишдаги ишларни талаб даражасида деб бўлмайди. Ижтимоий масалаларни ҳал этишда ҳам аёлларимизга етарли ва зарур ёрдам кўрсатилмаяпти. Хотин-қизлар кўмитаси ишини фаоллаштириб, мавқеини кўтариш зарур.

Аёлларимизни фойдали меҳнатга жалб этиш, уларнинг жиноят кўчасига киришларининг олдини олишда муҳим ўрин эгаллайди Жиноят содир этган аёлларнинг кўпчилиги узоқ вақт ҳеч қаерда ишламаган ва жамоат ишларига жалб этилмагани фикримизни исботлайди.

Хотин-қизларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш ҳам долзарб, муҳим масалалардан биридир. Ўтган йили гиёҳвандлик моддаларининг олди-сотдиси ва гиёҳванд моддали ўсимликларни

экиш билан шуғулланган аёлларнинг аксарияти ўз ҳаракатларининг жиноят эканлигини мутлақо билмаганлар.

Тегишли идоралар томонидан фуқароларни, айниқса, ёшларни диний экстремистик ғоялар таъсирига тушиб қолишдан ҳимоя қилиш учун қатор ишлар қилинган. Амма жойлардаги айрим хотин-қизлар кўмиталари бу йўналишда деярли ҳеч қандай иш олиб бормапти. Ваҳоланки, айрим ёшгина қизларимиз ва аёлларимиз хизбут-тахрир диний экстремистик ғоялар таъсирига тушиб қоляпти.

Кўриниб турибдики, ўтган йили хотин-қизлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш, уларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, жамоат ишларига ва фойдали меҳнатга жалб этишда кенг қўламли ишлар олиб борилса-да, қатор камчиликларга ҳам йўл қўйилди. Бу йил мавжуд камчиликларни бартараф этиш ва кўзланган мақсадларга эришиш учун ишни бутунлай бошқача ташкил этиш зарур. Бунинг учун асосий эътиборни қуйи звеноларга қаратиш лозим. Ижобий натижаларга эришиш учун бевосита қишлоқ, овул, аҳоли истикомат қиладиган жойларга, унда ишлаётган хотин-қизлар кўмиталари фаолиятини жиддий таҳлил этиб, уларнинг жамиятдаги ўрнини кўтарувчи тадбирлар кўриш керак.

Ички ишлар идоралари юртимизда оилани мустақамлаш, хотин-қизларнинг ижтимоий ҳаётдаги фаолиятини ошириш, уларнинг маънавиятини юксалтириб, турли жиноят ва ҳуқуқбузарлик содир этишларининг олдини олиш, ёшларимизнинг таъминлаш ишида фаол иштирок этадилар ва бу борадаги вазибаларни бажариш учун барча имкониятларни ишга соладилар.

ОҚ ЙЎЛ, ЁШ МУТАХАССИСЛАР! (Суратли репортаж)

Мамлакатимизда миллий кадрларни тайёрлаш, жамият учун зарур бўлган етук мутахассисларни етиштириш муҳим аҳамиятга молик долзарб масала бўлиб, бу борада ҳуқуқат Дастури қабул қилинган. Жумладан, Дастурда ўқувчи-ёшларга, талабаларга билим беришни жаҳон андозаларига жавоб берадиган тарзда ташкил этиш, ўқув ва амалий машғулотлар хоналарини энг замонавий кўргазмали куроллар билан жиҳозлаш, назария билан амалиётни бир-бирига чамбарчас боғлаган ҳолда пухта олиб бориш кўрсатиб ўтилган. Ички ишлар вазирлигининг олий ўқув юртлирида, жумладан, Тошкент ёнгиндан сақлаш олий техник мактабида бу борада сезиларли натижаларга эришиляпти. Кейинги йилларда ўқув юрти кафедралари замонавий зарур асбоб-ускуналар, мосламалар билан жиҳозланди. Ўқув хоналарининг кўпайтирилиши, спорт майдонининг кенгайтирилиши, тингловчиларнинг мукамал билим олишлари билан бирга жисмоний чиниқилларида алоҳида ўрин тутаяпти.

Мактаб ҳар йили неча мутахассислик бўйича олий ва ўрта махсус маълумотли кадрлар тайёрлаб, жойларга



йўлланма берапти. Ўтган ҳафтада билим даргоҳида ўқишни тугатган йигитларнинг битирув тантанаси бўлиб ўтди. Мажлислар залига ўқишни битирган йигитлар, уларнинг ота-оналари, яқинлари йиғилишди.

Тантанали йиғилишни Тошкент ёнгиндан сақлаш олий техник мактаби бошлиғи, полковник Матрасул Собиров кириш сўзи билан очди.

Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг Тошкент ёнгиндан сақлаш олий техник мактаби

битирувчиларига ички хизмат лейтенанти унвони бериш тўғрисидаги буйруғи ўқиб эшиттирилди.

Йиғилганлар ҳузурда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг ўринбосари, ички хизмат полковниги Ш. Мавлянов вазирлик раҳбарияти номидан битирувчиларни зобитлик унвони билан табриклади.

Сўзга чиққан ИИБ фахрийлари ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик маркази раиси, истеъфодаги милиция

генерал-майори Ф. Раҳимов ҳам битирувчиларни чин дилдан кутлади.

— Бизни мутахассис этиб тайёрлашда билим ва маҳоратларини аямаган, касб сирларини ўргатиб, ота-онамиздек меҳрибонлик қилган мактаб раҳбарияти ва профессор-ўқитувчиларга, устозларга таъзим қилиб, олган сабоқларимизни хизматда қўллашга, берган билимларингизни оқлашга сўз берамиз, — деди битирувчилар номидан сўзга

чиққан М. Хўжаев.

Шундан сўнг йигитларга мутахассислик дипломларини топшириш маросими бўлди.

Тантанали маросим тугаб, йигитларни зобитлик унвони ва диплом билан кутлаш бошланди. Ота-оналар фарзандларини бағрига босиб, кўзларида севинч ёшлари бўлса, қўлида гул билан ийманиб турган қизлар меҳр билан йигитларига тикиладилар.

Ўғлини бағрига босиб, қайта-қайта ўпиб, қувонч ёшларини тиёлмаётган аёлни суҳбатга тортдик. Ўзини Муқаддам Авазова дея таништираркан:

— Катта ўғлим Абдугани ҳам шу мактабни тугатган, ҳозир Тошкент тумани ИИБ ёнгиндан сақлаш хизматида. Укаси Абдумутал ҳам унинг изидан борди, бугун у диплом олди. Фарзандларимга билим бериб, мутахассис этиб тайёрлаган устозларига катта раҳмат.

— Мен ҳам шу билим даргоҳида ўқиганман. У пайтда оддий факультет эди, — деди истеъфодаги ички хизмат подполковниги, ёнгиндан сақлаш хизмати фахрийси А. Қодиров. — Бугун мактабни айланиб, хоналарни кўриб ҳам ҳайратландим, ҳам жуда қувондим. Бу ерда ёнгиндан сақлаш хизмати учун етук мутахассис тайёрлаш учун барча шарт-шароит муҳайё этилган.

Йиғилганлар учун санъат усталари ва бадий ҳаваскорлар ижросида концерт қўйиб берилди. Айниқса, қизикчи Валижон Шамсиевнинг ичакузди хангомалари тантананага янада файз киритди.

Содирдин ШАМСИДИНОВ.

Суратларда: тантанадан лавҳалар.

Суратларни Андрей ГИМАЛОВ олган.

Тахририятимизга республика ИИВ олий ўқув юртлилари, уларга қабул қоидалари, ўқиш шарт-шароитлари ҳақида сўраб кўплаб хатлар келади, телефон қўнғироқлари бўлади. Бугунги суҳбатдошимиз республика ИИВ Шахсий таркиб билан ишлаш хизмати бошлиғи ўринбосари, милиция майори А. ЮНУСХҲАЕВ.

– Абдумурод Анварович, республика ИИВга қарашли олий ўқув юртлилари ҳақида дастлаб умумий бир маълумот берсангиз.

– Суҳбат аввалида “олий ўқув юртлилари” атамасига аниқлик киритишни истардим. Эндиликда улар республика ИИВ олий таълим муассасалари деб юритилади. Бундай муассасалар учта: Академия, Ёнгиндан сақлаш олий техник мактаби (ЁСОТМ) ва Тошкент олий ҳарбий-техника билим юрти (ТОХТБЮ). Энди уларнинг ҳар бири ҳақида алоҳида тўхталсам.

ИИВ Академияси янги ўқув йилидан бошлаб икки

олий таълим муассасаларини битирганлар нафақат вазирлигимиз идоралари ва бўлинмаларида, шунингдек, бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизимларида ҳам хизмат қилишлари мумкин.

– **Кўпгина газетхоналаримизни таҳсил олиш шарт-шароитлари қизиқтиради...**

– Кундузги шаклда таҳсил оладиган тингловчи ва курсантлар ўқиш жойида ётоқхо-

БИЗ

ЁРДАМГА

ТАЙЁРМИЗ!



босқич бўйича мутахассислар тайёрлайди.

Бакалаврият биринчи босқич бўлиб, бунда ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти йўналиши бўйича таянч олий маълумот берилади, ўқиш муддати кундузги таълимда 4 йил, сиртки таълимда 5 йил. Битирувчиларга давлат шаҳодатлаши яқунларига кўра бакалавр даражаси, давлат намунасидаги диплом ва “лейтенант” махсус унвони берилади.

Магистратура олий таълимнинг иккинчи босқичи бўлиб, бакалавриятда бирор мутахассислик бўйича олинган фундаментал ва амалий билимларга таяниб кундузги шаклда икки йил ўқилади.

Мутахассисларни бундай икки босқичда тайёрлаш **Ёнгиндан сақлаш олий техник мактабида** ҳам қўлланилади. Бу олий таълим муассасасида мутахассислар **бакалавриятда** ҳаёт фаолияти ҳақида сизлиги, **магистратурада** ёнгин хавфсизлиги йўналиши бўйича тайёрланади.

Олий ҳарбий-техника билим юрти етти йўналиш бўйича ички кўшинлар, қоровул кўшинлари ҳамда ички ишлар идоралари учун офицер кадрлар тайёрлайди. Булар куйидаги йўналишлар: ички ва қоровул кўшинлари тактикаси ва тарбияси бўйича сардорлик, электр алоқаси воситаларидан фойдаланиш, муҳандис-техник таъминот, иқтисод ва ИИВ корхоналарида ишлаб чиқаришни ташкил этиш, кўшинларнинг моддий таъминоти ва ҳарбий хўжалик иқтисоди, жазони ижро этиш тартибини ташкил қилиш. Битирувчиларга давлат намунасидаги диплом ва “лейтенант” ҳарбий унвони берилади. Таълим шакли фақат кундузги, муддати 4 йил.

Шуни ҳам таъкидлашни истардимки, республика ИИВ

на, белгиланган кийим-бош ва бошқа зарур нарсалар билан таъминланадилар. Ҳар йили уларга таътил берилди, олий ўқув юртлилари талабалари ички ишлар идоралари ходимлари учун кўзда тутилган барча имтиёзлардан фойдаланадилар. Ўқиш даври ТОХТБЮ курсантларига ҳақиқий ҳарбий хизмат ҳисобига, бошқа таълим муассасалари тингловчилари учун эса умумий хизмат стажига киради. Тингловчилар ва курсантлар ўқиш даврида автомобиль бошқариш кўникмаларини ҳосил қилиш ва ҳайдовчилик гувоҳномасини олиш имконига эга бўладилар.

Кундузги ўқишга ўрта маълумотга эга бўлган (олий маълумотлилар қабул қилинмайди), таълим муассасаларида ўқишга, шунингдек, кейинги хизматга яроқли деб топилган ва танловдан ўтган республика фуқаролари қабул қилинади. Академияга ва ЁСОТМга 17 ёшдан 23 ёшгача бўлган фуқаролар, 25 ёшгача бўлган ички ишлар идораларининг ходимлари қабул қилинади. Номзодларнинг ёши қабул йилининг 1 декабригача бўлган муддатда ҳисобланади.

– **Бизларга қизлар ҳам шу масалада мурожаат қилиб туришади...**

– Қизлар фақат Академияга қабул қилинади. Уларнинг нисбати умумий қабул қилинувчиларнинг беш фоиздан ошмайди. Ўқишга кирувчи қизлар турмушга чиқмаган, фарзандсиз бўлиши, бўйлари 160 см дан паст бўлмаслиги керак. Улар учун танлов алоҳида, регионлар квотаси ҳисобга олиниб ўтказилади. Академияга ва ЁСОТМга барча абитуриентлар барча регионларнинг манфаатидан келиб чиқиб, уларнинг кадрларга бўлган эҳтиёжи ҳисобга олиниб ўтказилади.

ТОХТБЮга ички ишлар идораларининг оддий ва кичик бошлиқлар таркиби, прапоршчиклар, муддатли ва муддатдан ташқари ҳарбий хизматчилар, захирага бўшатирилган ҳарбийлар 23 ёшгача қабул қилинади. Бошқа ёшлар 17 ёшдан 21 ёшгача қабул қилинади, номзодларнинг ёши қабул йилининг 1 сентябригача бўлган муддатда ҳисобланади. Барча таълим муассасаларига кирувчи йигитларнинг бўйи 170 сантиметрдан паст бўлмаслиги керак.

– **Нега номзодларнинг бўйига ва саломатлигига бунчалик катта эътибор берилади?**

– Сабаби оддийгина. Ном-

танловда қатнашиши мумкин. Бу танлов чоғида барча босқичлардан муваффақиятли ўтган энг муносибларни танлаб олиш имконини оширади.

– **Танлов нималарни ўз ичига олади?**

– Танлов касбий имтиҳонлар ва умумтаълим фанлари бўйича тест топширишни ўз ичига олади. Касбий имтиҳонлар чоғида номзоднинг маънавий-руҳий ва ишчанлик хусусиятлари ўрганилади, ностандарт вазиятларда ўзини тутиши, мантқиқий фикрлаши баҳоланади. Бунда суҳбат ўтказилади, оғзаки имтиҳон топширилади. Касбий имтиҳон пайтида бундан ташқари номзодлар жисмоний тайёргарлик бўйича нормативлар ҳам топ-

Абитуриентлар, сизлар учун!



шунингдек, ҳужжатларни саралаш, ўрганиш ва расмийлаштириш тартиб-қоидаларининг бузилишлари бўйича ҳам ариза билан мурожаат қилишлари мумкин. Номзодлар топширилган имтиҳонларининг натижалари билан танишиш, нозори бўлган тақдирларида апелляция бериш ҳуқуқига эгадирлар.

шчиклар ва мичманлар (ҳарбий ихтисосидан қатъи назар) фойдаланадилар.

Ихтисослашган ҳарбий лицейлар ва Фарғонадаги ҳарбий-ҳуқуқий лицей битирувчиларининг тўплаган балларига эса энг юқори баллнинг 5 фоизи миқдоридан кўшилади.

Ота-онасиз етимларга, хизмат вазибаларини бажариш чоғида ҳалок бўлган ички ишлар идоралари ходимлари ва ҳарбий хизматчиларнинг фарзандларига ҳам йиққан балларига энг юқори баллнинг 10 фоизи миқдоридан кўшиш имтиёзи берилди. “Спорт устаси” ва ундан юқори унвонга эга бўлган абитуриентлар ҳам бу имтиёздан фойдаланишлари мумкин.

Агар абитуриент бирданига бир неча имтиёздан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлса, унга имтиёзларнинг биттаси – энг каттаси берилди.

Шуни таъкидлашни истардимки, юқоридаги имтиёзларга эга бўлганлар бундан тасдиқловчи муҳрлар қўйилган, имзоланган ҳужжатларни уларнинг шахсий ҳужжатлари расмийлаштириладигандаёқ тақдим этишлари лозим. Ана шундангина бу имтиёзлар ҳақиқий деб ҳисобланади.

– **Абитуриент чекига тушган барча синовлардан ўтди. Кейин нима бўлади?**

– Ўқишга қабул қилиш ҳақида қарор республика ИИВ мандат комиссияси томонидан абитуриентнинг тест синовларида, касбий имтиҳонларда, жисмоний тайёргарлик текширувларида йиққан баллари ва юқорида айтганимдек бевосита таълим муассасасида ўтказилган ҳарбий-тиббий кўрик хулосасини ҳисобга олиб ҳолда қабул қилинади.

– **Бўлажак абитуриентларга шахсан сиз қандай маслаҳатлар берган бўлардингиз?**

– Бўлажак абитуриентларга жойларда ҳужжат расмийлаштиришдан бошлаб, интизомли, ғайратли, қатъиятли бўлишни маслаҳат берадим. Бу хусусиятлар ўз танлаган касбларида уларга келажақда жуда-жуда асқотади. Бизнинг ходимларимиз тайёргарлик жараёнининг уюшқоқлик билан ўтишида, республика ИИВ таълим муассасаларига кириш истагини билдирган ҳар бир киши ўз имкониятларини тўла синаб кўриши учун қўлларидан келганча ҳаракат қилиши керак. Вақт кам қоляпти. Синов бўладиган фанларни чуқур ўзлаштиришга зўр бериш, спорт билан кўпроқ шугулланиш, касалликлардан сақланиш керак. Вақтининг қадрига етиш, билим олиш йўлида меҳнатдан қочмаслик керак. Биз яхши англаб ўз келажагини танлаганларга, ўз кучига ишонадиганларга ёрдам беришга тайёрмиз. Яна бир маслаҳат: “Постда”, “На посту” газеталарининг барча сонини ўқиб боришини.

зодларнинг жисмоний ҳолати ва саломатлигига қатъий талаблар қўйилишига сабаб уларнинг хизмати машаққатли, қонун ва ҳуқуқ-тартибот посбонлари камида 25 йил ўз хизмат бурчларини шараф билан адо этишлари, бу йўлда учраган жисмоний ва руҳий тўсиқларни енгиб ўтишлари лозим бўлади. Албатта, бу талаблар осмондан олинмаган. Уларни ишлаб чиқишда АҚШ, Германия, Франция ва бошқа ривожланган мамлакатлар

ширадилар: йигитлар 100 ва 3000 метрга югуришади, турникда тортилишади, қизлар 100 ва 1000 метрга югуришади, комплекс куч машқлари бажаришади.

Тест синовларини республика Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази ўтказиши. Академияга кирувчилар тарих, она тили ва адабиёт, ЁСОТМга кирувчилар математика, она тили ва адабиёт, ТОХТБЮга кирувчилар эса физика, математика, та-

Энди уларнинг мажбуриятлари ҳақида. Номзод белгиланган муддатда таълим муассасасида ўқиш истаги ҳақида ариза бериши, ҳужжатларни расмийлаштириш билан шуғулланувчи ходимларга зарур маълумотлар, ҳужжатлар, маълумотномалар тақдим қилиши, сўровномаларни тўлдиршида ноаниқликларга, сохтагарчиликларга йўл қўймаслиги керак. У тиббий кўрикка, суҳбатга, танловга, имтиҳонларга ва тест синовларига ўз вақтида келиши, таълим муассасаларида ўрнатилган тартибга риоя қилиши керак.

Бу талабларни бажармаган ҳамда бошқа қоидабузарликларга йўл қўйган номзод ўқишга қабул қилинмаслиги, унинг ҳужжатлари расмийлаштирилмаслиги мумкин. Касбий имтиҳонларга ва тест синовларига келмаган абитуриентлар учун бу тадбирлар қўшимча равишда ўтказилмайди.

– **Имтиёзлар ҳақида ҳам тез-тез сўрашади...**

– Ҳа, бу ҳам муҳим масала. Республика Президентининг Фармонида, Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига мувофиқ, халқаро ва республика олимпиадаларининг ва кўрикларининг голиблари, агар улар касбий имтиҳонлардан муваффақиятли ўтишса ҳамда ҳарбий-тиббий комиссия уларни бизнинг таълим муассасаларимизда ўқишга яроқли деб топса, бундай номзодлар мандат комиссиясининг қарори билан ўқишга танловсиз, тест синовларисиз қабул қилинадилар. Бундай имтиёзлардан қуйидагилар фойдаланадилар: ИИВ Академиясига киришда – ҳуқуқшунослик бўйича; ЁСОТМга – математика ва кимё бўйича; ТОХТБЮга – математика, физика ва тарих бўйича олимпиадалар ва кўриклар голиблари.

Муддатли ҳарбий хизматни ўтаган, ўтаётган абитуриентларга, ҳарбий қисмининг тавсияси бўлса, тўплаган баллига, йиғилиши мумкин бўлган энг юқори баллнинг 10 фоизи миқдоридан кўшилади. Бу имтиёздан ички ишлар идоралари оддий ва кичик бошлиқлар таркибига мансуб абитуриентлар, шунингдек, прапор-



ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг стандартлари ҳисобга олинган.

Шунинг учун ҳам номзодларнинг шахсий ҳужжатлари расмийлаштириладиганда одатда икки марта, тест синовларидан кейин таълим муассасасининг ўзида яна бир марта тиббий кўрикдан ўтказилади.

– **Энди кундузги ўқишда танлов қандай ўтказилиши, номзодларни саралаш тартиблари ҳақида гапириш ўрни келди деб ўйлайман.**

– Ҳар йили биз ИИВ идоралари ва бўлинмаларининг, бошқа вазирликлар ва идораларнинг эҳтиёжларидан, шунингдек, таълим муассасаларининг имкониятларидан келиб чиқиб тахминий қабул миқдорини белгилаймиз. Аммо бу номзодларнинг шахсий ҳужжат йиғма жилдлари ўрганилиши, сараланиши, расмийлаштирилиши чекланади дегани эмас. Ўқишга кириш хоҳишини билдирган, белгиланган талабларга жавоб берувчи барча номзодлар

рих, она тили ва адабиёт бўйича саволларни ўз ичига олган тест синовлари топширадилар.

ТОХТБЮга кирувчилар ихтисоси бўйича икки фандан тест синовларидан ўтадилар.

Барча тест саволлари умумий ўрта таълим дастури доирасида бўлади. Мабоодо айрим ўзгаришлар бўлса, бу ҳақда қўшимча маълумот берамиз.

– **Суҳбатдан кўриниб турибди, кундузги ўқишга кирувчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳақида тўхталишга ҳам зарурат бор...**

– Номзодлар ўқишга кириш учун ҳужжатларни расмийлаштириш бўйича яшаш жойларидаги ички ишлар идораларига ариза билан 1 февралдан 1 майгача мурожаат қилишлари мумкин. Ўз аризаларига мувофиқ, ҳужжатларни расмийлаштиришнинг ҳар қандай босқичида то мандат комиссияси мажлиси ўтказилгунча ўқишдан воз кечишлари ва ҳужжатларини қайтариб олишлари мумкин. Улар,

САРҲИСОБ

КАМЧИЛИКЛАР
ТАҲЛИЛ ЭТИЛДИ

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ички ишлар бошқармасининг 1999 йил якунлари бўйича тезкор йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда Бошқарма бошлиғи, милиция генерал-майори К. Хидиралиев кириш сўзи билан очди. Вилоят ички ишлар идораларининг 1999 йил тезкор-хизмат фаолияти натижалари ҳамда жиноятчиликка қарши курашни кучайтириш, ҳуқуқ-тартибот ва жамоат хавфсизлигини мустақамлаш борасидаги вазифалари ҳақида бошқарма бошлиғининг биринчи ўринбосари, милиция полковниги Ф. Қодиров маъруза қилди. Вилоят ички ишлар идораларида ўтган йилда жиноятлар ҳақидаги ариза ва хабарларни қабул қилиш, рўйхатдан ўтказиш ва ҳал қилишда йўл қўйилган қонунбузарликлар юзасидан бошқарма бошлиғининг ўринбосари, милиция полковниги В. Хўжаев ва блок-постлар, чегара масканлари бўйича бошқарма бошлиғининг ўринбосари, милиция подполковниги У. Абдуллаевларнинг маърузалари тингланди. Йиғилишда вилоятда жиноятчиликнинг олдини олиш ва эл осойишталигини таъминлаш борасида амалга оширилган ишлар, хизмат йўналишлари бўйича мавжуд камчиликларни бартараф этиш, янги минг йилликда жиноятчиликка қарши кураш, уларнинг олдини олиш, жамоат хавфсизлигини таъминлаш борасида чора-тадбирлар белгиланди.

М. СУЛТОНОВА.

БУХОРО ВИЛОЯТИ ИИБ мажлислар залида бошқарманинг ўтган 1999 йилдаги иш фаолияти сарҳисоб қилинди ва 2000 йилда шахсий таркиб олдида турган асосий вазифалар белгилаб олинди.

Йиғилишни вилоят ИИБ бошлиғи милиция полковниги Х. Мир-

ТАДБИРЛАР
САМАРАЛАРИ

зараҳимов очди ва кун тартибидеги масала юзасидан маъруза қилди. Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ўринбосари, ички хизмат полковниги Р. Қодиров иштирок этди.

Кун тартибидеги масала юзасидан вилоят ИИБ ЖООБ бошлиғи милиция подполковниги Р. Мухаммадов, ДАНБ бошлиғи вазифасини бажарувчи, милиция майори Р. Камолов, Ромитан тумани ИИБ бошлиғи, милиция подполковниги Р. Кароматов, Бухоро шаҳар ИИБ бошлиғи милиция

подполковниги Ш. Нейматов, Вобкент туман ИИБ бошлиғи, милиция подполковниги Ш. Мухаммадов, Қоровулбозор тумани ИИБ бошлиғи милиция подполковниги К. Тожидинов ва бошқа раҳбар ходимларнинг ҳисоботлари тингланди.

Республика Ички ишлар вазирлиги ўринбосари, ички хизмат полковниги Р. Қодиров сўзга чиқиб, Бухоро вилоят ИИБ иш фаолиятини чуқур таҳлил қилиб, йўл қўйилган айрим камчиликлар, давр талаби даражасида ўтказилмаган тадбирлар ҳамда шу кеча-кундузда шахсий таркиб олдида турган энг асосий масалаларга тўхталди.

Яқуний сўзга чиққан вилоят ИИБ бошлиғи милиция полковниги Х. Мирзараҳимов шахсий таркибни жорий йилда жиноятчиликнинг олдини олишга, маҳалла посбонлари ишини ва хизмат шароитини тубдан яхшилашга, ҳушёрликни оширишга олоҳида эътибор беришга чақирди.

Х. БОЛТАЕВ,
милиция подполковниги.

ЎНГИНЛАР КАМАЙДИ,
МУАММОЛАР-ЧИ?

Доимий равишда содир бўлаётган ўнгинларни тезда бартараф этиш мақсадида ўт ўчириш қисмларининг жанговар ҳолатини яхшилашга, шахсий таркибнинг касб тайёргарлигини, малака ва маҳоратини оширишга, ўнгиндан сақлаш хизматларини замонавий ўт ўчириш техникаси ва анжомлар билан таъминланган бўлишига, мавжуд ўт ўчириш техникаси, жиҳозлари ва воситаларини соз ва ҳар доим шай ҳолда сақлаш масалаларига катта масъулият билан ёндашилди.

Албатта, ўз вақтида кўрилган чора-тадбирлар, давлат ўнгин назорати ва ўт ўчириш хизмати ходимларининг соғий-ҳаракатлари туфайли содир бўлган ўнгинлар сонини, уларда инсонларни ҳалок бўлиш ва тан жароҳати олиш ҳолларини йилдан йилга камайтиришга эришилмоқда.

1999 йил давомида ўнгинлар сони савдо масканлари, омбор ва базаларда 17,8 фоизга, ишлаб чиқариш корхоналарида 16,7 фоизга, маданий-маиший ва маъмурий биноларда 13,8 фоизга, аҳоли турар жойларидаги ўнгинлар сони 3,5 фоизга камайди.

Бугунги кунда ўнгиндан сақлаш хизмати олдида бир қатор муаммолар турибди. Олиб борилаётган чора-тадбирларга қарамай республикада содир бўлаётган ўнгинлар, уларнинг оқибатида инсонларнинг ҳаётдан бевақт кўз юмиш ҳоллари такрорланяпти. 1998 йилга нисбатан ўнгинлар сони камайган бўлишига қарамай, республика бўйича ўрта ҳисобда 10 минг аҳоли сонига тўғри келаётган ўнгинлар сони ҳали ҳам юқори.

Бу эса ўнгиндан сақлаш хизмати ходимларининг ўз ишларига, аҳоли орасида олиб борилаётган профилдиктик ишларга янада масъулият билан ёндашишлари зарурлигини кўрсатади.

Бундан ташқари ўт ўчириш қисмлари биноларини капитал ва жорий таъмирлашда, хизмат муддатларини ўтаб бўлган ўт ўчириш техникалари ўрнига янги замонавий техникалар харид қилишда, ўнгинларни ўчиришда зарур бўлган воситаларни сотиб олишда муаммолар мавжуд.

Соғлом авлод йилида ҳар бир фарзандимизни ўнгин офатидан авайлаб асраш, фуқароларимизга ўнгин хавфсизлиги қондаларини ўргатиб бориш ҳар биримизнинг шарафли бурчимиз. Мана шу мақсадда ходимларимиз мактаб ўқувчилари ўртасида ўт ўчириш амалий спорти мусобақаларини ўтказиш, ўнгинлар олдини олиш борасида турли хил викторина ва конкурслар ташкил этиш каби тадбирларга катта эътибор беряптилар. Шунингдек, халқ хўжалиги корхоналари ва аҳоли яшаш жойларида ўнгин хавфсизлигини таъминлаш ишларини давом эттириб, ўнгин хавфсизлиги қондаларига риоя этмаган раҳбар ходим ва ишчи-хизматчиларга амалдаги қонунлар асосида таъсирли чоралар кўриб, мамлакатимиз равишида ҳар қандай ҳаромат қилишга бел болаганлар.

Бундан ташқари, ҳозирги вақтда республикада халқимиз фаровонлигига катта ҳисса қўшишда муҳим аҳамият касб этадиган дунёнинг етакчи фирмалари билан ҳамкорликда янги ишлаб чиқариш корхоналари, бинолар бунёд этилмоқда. Мана шу иншоотларнинг қурилиши ва ишга туширилиши доврида ўнгинга қарши талаб ва меъёрлар устидан каттиқ назорат ўрнатилиши ва бу талаблар бажарилишига эришиш ҳам бизнинг жорий йилдаги асосий вазифалардан биридир.

Мурод ИКРОМОВ,
ички хизмат майори.

ИМКОНИЯТЛАР ИШГА СОЛИНАДИ

Ҳар бир ички ишлар идоралари ходимлари фаолияти у ерда раҳбарлик қилаётган бошлиқларнинг маҳоратига, иш тажрибасига ҳам боғлиқ. Шу жиҳатдан олганда шаҳар ва туман ички ишлар бўлими бошлиқларининг шахсий таркиб билан ишлаш бўйича ўринбосарлари ўз билимлари, маҳоратлари билан ишни ташкил этишлари олоҳида аҳамиятга эгадир. Қайсики, ички ишлар идораларида ўз ишининг билимдони, ақлли, талабчан раҳбар иш олиб борар экан, албатта ушбу бўлимда таълим-тарбия ҳамда ходимларнинг касб маҳорат борасидаги ишлари кўнгилдагидек бўлади.

Шундай экан, бугунги кунда Сурхондарё вилоти ички ишлар идораларида хизмат қилаётган шахсий таркибнинг касб маҳорати, жисмоний тайёргарлиги қай даражада?

Янгийўл шаҳар ички ишлар бўлимида ўтказилган навбатдаги йиғилиш 1999 йил якунларига бағишланди. Шаҳар ИИБ бошлиғи, милиция полковниги Мирзазам Мирзаев ўтган давр мобайнида шахсий таркиб томонидан амалга оширилган ишларни таҳлил қилиб, навбатдаги вазифаларга тўхталди.

Нотик йиғилганлар эътиборини жамоат тартибини сақлаш ва жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича қайд этилган рақамларга қаратиб, бу борада муайян ютуқлар қўлга киритилганини айтиб ўтди. Хусусан, 1998 йил давомида шаҳар ҳудудида жиноят-қидирув йўналишидаги жиноятлар ўнганга камайган. Жиноятнинг оғир тури бўлган босқинчи-

Уларга раҳбарлик қилаётган ушбу соҳа мутасаддиларининг амалга ошираётган ишлари қониқарлими?

Шу каби саволларга жавоб топиш мақсадида куни кеча вилот ички ишлар бошқармасининг шахсий таркиб билан ишлаш хизмати ходимларининг 1999 йил борасида амалга оширилган ишлари сарҳисоб қилинди.

Йиғилишни бошқарма бошлиғининг ўринбосари, милиция майори Саидмурод Пўлатов очди ва йиғилишда кўрилаётган асосий масала — соҳа ходимларининг ўтган йилги иш фаолияти таҳлили ҳамда жорий йилда ушбу хизмат ходимлари олдида турган асосий вазифалар хусусида олоҳида тўхталди. Нотик ўз ҳисоботида ўтган йил давомида жойлардаги шахсий таркиб билан ишлаш хизмати ходимлари томонидан йўл

қўйилган, умумий хизмат кўрсаткичи ёмон бўлган айрим ички ишлар бўлими фаолиятига эътиборни қаратиб, сўнгра ушбу бўлимлар бошлиқ ўринбосарларининг иш фаолиятларини атрофлича муҳокама этиб, йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш чораларини кўрсатиб ўтди. Йиғилиш сўнгида вилот ички ишлар бошқармаси бошлиғи, милиция полковниги Қ. Боқулов нутқ сўзлаб, вилот ички ишлар идораларида хизматни яхши йўлга қўйиш, жиноятни олдини олиш ва фож этишда шахсий таркиб бўйича бошлиқ ўринбосарлари олдида турган муҳим вазифалар тўғрисида тўхталиб, ушбу соҳа фаолиятини яхшилаш борасидаги бир қатор тақлифларни ўртага ташлади. Ошқора танқид руҳида ўтган йиғилиш сўнгида вилот ички ишлар бошқармаси шаҳар ва туман ички ишлар бўлими-

ларининг шахсий таркиб билан ишлаш хизмати фаолиятига яқуний баҳо берилди. Унга кўра вилот ички ишлар бошқармаси шаҳар ва туман ички ишлар идоралари ходимларининг касб маҳорати, жисмоний ва жанговар тайёргарлигини оширишда ҳамда юқори кўрсаткичларни қўлга киритишда муҳим ҳисса қўшган, шу билан бирга ички ишлар бўлими маъмурий биносини, маърифат хонасини, ўқув синфларини жиҳозлашда олоҳида ташаббускорлиги билан ўртак кўрсатган Сарийосиё, Шеробод, Жарқўрган туман ички ишлар бўлими бошлиқларининг шахсий таркиб билан ишлаш бўйича ўринбосарларини бошқарма раҳбариятининг буйруғи билан рағбатлантириш тўғрисида қарор қабул қилинди.

С. АБДУВОҲИДОВ,
ички хизмат капитани.

ВАЗИФАЛАР
ЯНАДА КАТТА

лик кам содир этилганлиги, рўй берган жиноятларнинг очилиши яхшилангани қувончлидир.

Бошлиқ яхши кўрсаткичларга эришилишида профилактик ишлар тўғри йўлга қўйилгани ўз самарасини бераётганини таъкидлади. "Тозалаш", "Тун", "Арсенал" "Қорадор" каби тадбирлар жамоатчилик кенг жалб этилган ҳолда мунтазам ўтказиб борилаёпти. Шу кунларда аҳоли ўртасида жиноятчиликнинг олдини олишга шаҳардаги 12та фуқаролик йиғинлари раислари, фаоллар, шу-

нингдек 70 нафардан ортиқ маҳалла посбонлари яқиндан ёрдам беришяпти.

Нотик, шунингдек ичкилик-бозлик ва гиёҳвандликка қарши кураш, илгари судланган шахсларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, ёшларни турли экстремистик оқимлар таъсиридан сақлаш ва бошқа масалалар бўйича олиб борилаётган соғий-ҳаракатлар, ҳал этилиши лозим бўлган муаммоларга ҳам атрофлича тўхталди.

Музокараларда шаҳар ИИБ ЖКБ бошлиғи, милиция капита-

ни Н. Избосаров, ДАНБ бошлиғи, милиция майори А. Камалов, катта участка вакиллари, милиция майорлари С. Хусанбоев, А. Мирвалиев, шаҳар прокурорининг муовини А. Аҳмеджонов ва бошқалар қатнашиб, ўз мулоҳазалари билан ўртоқлашишди. Сўзга чиққанлар шаҳар ички ишлар бўлимининг 1999 йилги фаолиятига ижобий баҳо беришди.

Шу кунги жамоат тартибини сақлаш ва жиноятчиликнинг олдини олишда қўлга киритилган ютуқлар, шунингдек Ватан ҳимоячилари кунги муносабати билан шаҳар ҳокимлиги томонидан ажратилган мукофот эвазига шахсий таркибга дастурхон ёзилиб, ош тарқатилди.

Ўз мухбиримиз.

Ўтган йили республика ИИБ Хайъати томонидан тасдиқлаган ички ишлар идораларидаги кинология хизматини ривожлантириш дастурига мувофиқ искович итлардан тезкор-қидирув ишлари ва тўсиқлар юзасидан ишлаб чиқилган тадбирларда кенг фойдаланилмоқда.

Шуни айтиш зарурки, кейинги пайтда Андижон, Жиззах, Самарқанд, Сирдарё вилотлари ИИБларидаги питомникларнинг моддий базаси мустаҳкамланди. Хизмат итлари КПП, ДАН

ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАЛАР АСОСИДА

масканлари ва блок-постларда самарали қўлланилмоқда.

АҚШ конгресси АТА комиссияси, шунингдек Германия ИИБ ва техник ёрдам кўрсатиш Федерал идораси мутахассислари давлатларнинг ўзаро келишуви доирасидаги ташрифи чоғида мамлакатимизда кинология хизмати ривожланиётгани, шахсий таркиб ва жониворлар тайёргарлиги ҳамкорлигини

давом эттиришга етарли даражада эканлиги маълум бўлди. Натижада Тошкент шаҳар ИИББ насл олиш питомнигида амалий семинарлар ўтказилди. Ҳамкорликнинг кенгаётгани қимматли услубий материаллар олиш имконини берди ҳамда Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Фарғона шаҳарларида ташкил этилган кинологларнинг ўқув машғулотида кенг қўлланилди.

Ўрни келганда бир нечта рақамни келтирмақчимиз.

Агар 1998 йилда 4,3 минг қақирувда хизмат-қидирув итлари кўмағида 1,5 мингта жиноят очилган бўлса, ўтган йил бу кўрсаткич 4,1 ва 1,7 мингта ташкил этди. Шу жумладан, гиёҳвандлик моддалари, ўқотар қурол ва ўқ-дориларни аниқлаш билан боғлиқ талайгина жиноятлар очилди.

2000 йилда турли йўналишдаги искович итларни кўпайтириш зарурати инобатта олиниб, ушбу вазифани хорижий тажрибаларни қўллаган ҳолда бажаришга қаратилган чора-тадбирлар белгиланди. Зиммамиздаги вазифаларни амалга оширишда бизга яқиндан ёрдам бераётган ташкилотлар ҳамда фуқароларимизга миннатдорчилик билдираимиз.

Н.ВОЛИНСКИЙ,
милиция майори.

Биз ота-онанинг фарзандларига бўлган меҳри ҳақида кўп гапиримиз, ёзамиз.

Бу ҳақда қанча гапирсак, ёзсак оз. Лекин фарзандларнинг ўз ота-онасига меҳри-чи? Бугун ана шу мавзуда мулоҳаза юритмоқчимиз.

Бир аёлни биламан. Ҳали ақлини танимасдан отаси урушга кетиб, қайтиб келмаган. Ана шу аёл ҳар йил 9 майни кўз ёши қилиб ўтказади. Ваҳоланки, ўғил-қизлик, неваралик бўлган, егани олдида, емагани кетида. “Менга ҳеч нарсалари керак эмас, бир марта ўзларини кўриб, елкаларига бошимни қўйиб йиғласам эди”, — дейди.

Бир гал гапдан гап чиқиб ундан болалигида энг эсида қолган воқеани айтиб беришини сўрадим.

— Бир кун отамни соғиниб боғда хаёл суриб юргандим. Бувим неча марта овқатга чақирсалар ҳам бормадим. Шунда амакимнинг қизи “Отанг келдилар! Отанг келдилар!” деб қолди. Қанот чиқариб ҳовлига учиб келибман. Овқатланишга алдаб чақирган экан. Сел-сел йиғладим. Узоқ вақт овутишолмади. Эсласам, ҳали ҳам юм-юм йиғлайман”, — деди у кўз ёшларини сидириб.

Ҳа, ҳақиқий фарзандлик меҳри ана шундай бетаъма бўлар экан. Яқинда пойтахтимиздаги 2-мурувват уйида тарбияланаётган Ақром Эшпўлатов билан суҳбатлашиб, бунга яна бир бор амин бўлдим.

— Мана, ўн саккизга кирдим. Энди онам келиб, олиб кетсалар яхши бўларди. Қўлимдан иш келадиган бўлиб қолди, ҳеч кимга оғирлигим тушмасди. Ота-онаси йўқ етимларга ўхшаб катталарнинг мурувват ёки саховат уйига ўтказишса, одамнинг хўрлиги келади, — дейди



кўнгли уриш-сўкишлардан зада бўлиб, уйдан бош олиб чиқиб кетади. Ўшанда у ўн ёшларда

аввал Тошкентдаги рухий касалликлар шифохонасига жўнатишган. Бу ердаги шифокорлар уни ҳар томонлама текшириб, 2-мурувват уйига юборишган.

Гуруҳ тарбиячиси Феруза Бекмирзаеванинг гапига қараганда, Ақром ва унга ўхшаган яна уч-тўрт тарбияланувчи ўзларининг зехнлилиги, хушмуомалалиги, ҳаракатчанлиги билан бошқалардан

келади. Имкон борида ўзимизни ўнглаб олиш ҳар биримизга насиб этсин.

Саид исмли болани кўришга келган онаси кейинги шанба кунини ўйнатгани уйга олиб кетишга ваъда берибди. Шундан кейин бола бечора бир йил давомида ҳар шанба кунини онанинг йўлини пойлаган... Тарбиячининг гапига қараганда, бу оила ўзига тўқ

марта энгил нонушта тортилади.

Тарбиячилар ҳам болалардан меҳру муҳаббатини аяшмайди.

Фақат болалар сиймоларини қалб тўрида асраб келаётган ота-оналарига аталган меҳрларини бошқалардан қизганишади.

Тарбияланувчилар орасида юра олмайдиغانлар, тўшакка михланган-

Маънавият

бидан улардан бирини радио-телевизор усталигига, бошқасини пойабзал созловчиликка ўқитяпти. Шаҳар халқ таълими бошқармаси бош кўшиб, мурувват уйида баъзи касб-хунарларга ўқитадиган курслар ташкил қилса, яхши бўларди.

Яқинда бутун мамлакатимиз бўйлаб ўтказилган меҳр-мурувват ўн кунлигида пойтахтимизнинг Собир Раҳимов туманида жойлашган бу муассасага “Ўзбекэлектрасоб” савдо-ҳиссадорлик уюшмаси, “Кенг макон” хусусий мебелсозлик фирмаси, Покистон элчихонаси, АҚШнинг “Уолд концерн” хайрия жамғармаси, туман ҳокимлиги саховат кўрсатишди. Мурувват уйининг ҳисоб рақамига пул ўтказилди, эски биноси таъмирдан чиқай деб қолди, болаларга кийим-бошлар, янги йил совғалари тўхфа қилинди, ош тортиди.

Юртбошимиз айтганларидек, савоб ишни ҳар ким ҳар кун қилиши керак. Кўнгли ўксик болаларга ёрдам қўлини чўзишдек хайрли ишдан ўзига тўқ юртдошларимиз ҳам четда қолмас яхши бўларди. Ўшанда жиндай етмай турган линолеум ҳам топиларди, реабилитация кабинети тезроқ ишга тушиб, тўшакка михланган ногирон болалар соғлигини анча-мунча тиклаб юриб кетармиди.

Аччиқ бўлса ҳам айтай, ўз айби билан ақли заиф болани дунёга келтирган баъзи ота-оналар уларни кўча-қўйга, мурувват уйи эшиги олдида ташлаб кетиш ҳоллари ҳам учраб турибди. Меҳрибон тарбиячилар улардан исмларини билмайдиганларига чиройли-чиройли исмлар қўйишяпти, лекин фамилияга келганда улар ҳам ҳайрон. Бу даргоҳга йўлингиз тушиб, Неизвестний, Топилдиев, Топиболдиеваларга дуч келсангиз, сиз асло ҳайрон бўлманг. Уларнинг ота-онаси кимлигини сизу биз билмасмиз, лекин Яратган билди-ку. Давлатимиз болапарвар. Ночорларни зориқтирмай парвариш қилади, уларга меҳр берадиган меҳрибон тарбиячилар ҳам топилади. Аммо мурғак қалбларнинг фақат ота-онасига атаган муҳаббатидан бебахра қолаётганлар — уларнинг ҳолидан йиллаб хабар олмайётганлар бир кунмас бир кун афсунадомат чеккай!

Бобомурод ТОШЕВ.

Суратларда: Ақром Эшпўлатовнинг 10-11 ёшлардаги сурати;

Унинг ўн саккизга тўлган пайти;

Ақром чизган расм.


ҲИСОБЛИ ДУНЁ БУ

ажралиб туради. Тўғри, улар оила кучоғида ўсган, мактабда таълим олган тенгдошларидек бийрон, зукко эмас. Бунга ўзлари ўсиб-улғайган муҳит ҳам таъсир этмай қолмаган, албатта.

— Агар ана шу тўрт-беш болани ота-оналари бағрига олса, улар ҳаётда ўз йўлини топиб кетарди, — дейди жон куйдириб Феруза опа.

Бу гапларни эшитиб Ақром бошини баттар куйи эгади. Ўн-ўн бир ёшида кўчага чиқиб кетган ўша бола бугун тоғни талқон қилгудек йигит. Лекин у ҳалиям ёш боладек она меҳрига интиқ.

Туғилган манзилини билганида ўзи ҳам топиб борарди. Ҳалима опа, ўғлингиз кўзлари тўрт бўлиб йўлингизни пойлаятти. Агар ҳаёт бўлсангиз (илоҳим, шундай бўлсин) суратларга қараб ўғлингизни таниётгандирсиз. Ақромнинг кўнглида сизга нисбатан заррача гинакудурат йўқ. Унга ошу но-



бўлган, она истаса ўғлидан хабар олишга имкон топаркан...

— Бирор болани кўришга ота-онаси келса, бошқалар мунгайиб қолишади. Айримлари “Ойижон, нега менинг онам келмаяптилар?” деб менинг олдимга ҳам киришади. Яхши гапира олмайдиغانлари “Нега мени ўпиб қўядиганлар келмайди?” деган маънода бети-га имлаб кўрсатади, —

Бу даргоҳга йўлингиз тушиб, Неизвестний, Топилдиев, Топиболдиеваларга дуч келсангиз, сиз асло ҳайрон бўлманг.

дейди мурувват уйи бош шифокори Умида Асадуллахўжаева. — Бу даргоҳда егуликлар, кийим-бош етарли. Ҳар қайси гуруҳда телевизор, ўйинчоқлар, радиоприёмниклар бор. Бир кунда уч марта иссиқ овқат берилади, яна икки

кўриш керакдир.

Яна ақли заифлар тоифасига киритилган бўлса-да, уларнинг кўпчилигидан ўзининг зехни, қобилияти билан ажралиб турганларга қайтсам. Тарбиячи Феруза Бекмирзаева ўз ҳисо-

у кўзларини мендан олиб қочиб.

Ақромнинг бошидан ўтган воқеалар тош юракларни ҳам эритса керак. Болалигида отаси автохалокатда вафот этган экан. Баъзи жума кунлари Бахтиёр ака деган қариндоши билан отасининг мазорини зиёрат қилишга боришганини элас-элас хотирлайди.

Кейинроқ онаси Ҳалима опа турмушга чиқибди. Ўғай ота Пўлат ака ичкиликка ружу қўйган киши экан. Тез-тез маст бўлиб келиб, Ҳалима опани болалари билан изиллатиб кўчага ҳайдаб юборар, калтакларкан. Охири, Ақромнинг бола

бўлган. Яшаган шаҳрининг, кўчасининг номи-ни аниқ эслолмайди. Эслагани, автобусма-автобус юриб Пахтаободми, Пахтақорми деган жойларга борган, уйларининг яқинида ўт ўчириш таянч пункти, автобус бекати бўлган, отасининг оти эса Маҳмуд экан.


Саид исмли болани кўришга келган онаси кейинги шанба кунини ўйнатгани уйга олиб кетишга ваъда берибди. Шундан кейин бола бечора бир йил давомида ҳар шанба кунини онанинг йўлини пойлаган...

Дуч келган жойда ётиб юрган “дайди” болани

нингиз керак эмас. Аксинча, худо йўлини берса, ўзи сизга кўчадан ош-овқатлик топиб келади. Фақат ёнида бўлсангиз, ишга кузатаётиб “Яхши бор, ўғлим”, кўчадан келганида “Яхши келдингми, ўғлим?” десангиз, боши кўкка етади.

Хўп, Ақромнинг-ку, онаси ўғли қаердалигини билмас, лекин болаларини ўз қўллари билан шу ерга топшириб, йиллаб хабар олмайдиغان ота-оналарга нима дейсиз?

Қолаверса, бу дунёдаги амалларимиз учун ҳисоб-китоб пайти ҳам



РАҲБАР ЛОҚАЙД БЎЛСА...

Рейд

Ённинг олдини олиш — доимий долзарб вазифалардан. Шу боис Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қиш мавсумини талафотсиз ўтказиш мақсадида "Ённинг хавфсизлиги ойлиги"ни эълон қилганди. Лекин биз фақат ойлик давомида эмас ҳамма вақт ённинг келиб чиқишидан эҳтиёт бўлишни унутмаган ҳолда юқоридаги қарорнинг бажарилиши юзасидан жойларда қандай ишлар амалга оширилгани би-

ётган газ портлаш хавфини туғдирмоқда. Хонадаги ёритувчи лампалар химоя қопқоғи билан жиҳозланмаган. Электр қуввати тарқатиш кўтиси ва бошқа тақсимлагичлар тақиқланган жойларга ўрнатилган. Касалхонада бирламчи ўт ўчириш асбоб-ускуналари умуман кўринмайди. Катта кучланишли электр жиҳозларида ённинг содир бўлганида қўлланиладиган махсус ўт ўчиргичлар йўқ. Ушбу камчиликларни ка-

сизларнинг вазифангиз, — деди ширкат бошлиғи бизга бармоғини ўқталиб. — Сизларни қаранг-а, ўзингиз қиладиган ишларни мендан талаб қиляпсизлар-а!

— Республикамиз Вазирлар Маҳкамаси томонидан "Ённинг хавфсизлиги ойлиги"ни ўтказиш бўйича қарор қабул қилинганди. Ушбу қарорга асосан вилоят ҳокимлиги ҳамда туманлар ҳокимликларининг фармойишлари эълон қилинганидан хабарингиз борми? — сўрадик Марат Юсуповдан.

— Йўқ, — қатъий жавоб берди ширкат бошлиғи. — Бундай қарор ва фармойишнинг чиқарилганлигини сизлардан эшита-япман. Ҳар куни ҳокимиятда мажлисда бўламан. Аммо раҳбарларимиздан ҳеч бири бундай ойлик ўтказилаётгани ҳақида гапиришмади.

Раис бу вазирнинг жавобидан ҳайратланганимизга ёқа ушлаб, унга вилоят ҳокимининг ушбу долзарб мавсум юзасидан қабул қилган қарорини бердик. Марат Юсупов қарорни синчковлик билан овоз чиқариб ўқиб чиқди-ю, бироз ўйлаб қолди. Сўнгра қарорни бизга қайтариб деди:

— Бундай гаплардан хабарим бўлмаса-да, ўтган йили ённинг олдини олиш бўйича 5 миллион сўмлик иш қилдик.

Хўжалик бошлиғининг бу гапидан кўнглимиз анча ёришгандай бўлди. Ахир 5 миллион сўм дегани озмунча маблағ эмас-да. Демак, бу ерда анча-мунча иш қилингану, биз беҳабар қолибмиз-да, деган фикр ўтди хаёлимиздан. Бу ишларни ўз кўзимиз билан кўриш ва тасвирга тушириш ниятида ширкат бошлиғи ҳамроҳлигида хўжалик омборхонасига келдик. Омборхона мудури "зарур иш билан" кетгани сабабли у ерга киришнинг иложи бўлмади. Лекин омборхона дарвозасидан ичкаридаги аҳвол шундоққина "мана-ман" деб кўзга ташланиб турарди. Ҳатто ҳамроҳларимиздан бири ўтган йилги камчиликлар ҳамон тузатилмаганлигини яна бир бор эслатиб қўйди.

Хўжаликнинг ёқилғи мойлаш материаллари омборхонасига ўтди. Бу ернинг масъул ходими (омбор мудури Куролбек Қўчқоров) ҳам нефть маҳсулотлари корхонасига кетганлигини айтишди. Омборхонадаги ёқилғи тақсимлаш резина ичкалари умуман яроқсиз ҳолга келиб қолган. Ёқилғи сақланадиган идишларда чақмоқдан ҳимо-

яланиш ускуналари ўрнатилмаган. Бирламчи ўт ўчириш асбоб-ускуналари ҳақида гапирмаса ҳам бўлади.

Машина трактор устахонасидаги аҳвол юқоридагидан ҳам ачинарли экан. Бу ерда мавжуд бўлган сунъий ҳовузлар қуп-қуруқ устахоналардаги электр симлар очик ҳолда қолдирилган. Бирламчи ўт ўчириш ускуналари ўрнатилмаган. Ён ачинарлиси, 300 тоннадан зиёд селитра мумкин бўлмаган жойда сақланмоқда. Қор ва ёмғирлар таъсирида бу қимматбаҳо хом-ашё зах тортиб ётибди. Хуллас, бу хўжаликда ённинг олдини олиш бўйича бирор бир айтирлик иш қилинмаган.

Тумандаги "Маданият" жамоа хўжалиги, 10-лицей-интернатдаги аҳвол ҳам ниҳоятда ачинарли. Бу хўжалик ва ташкилот раҳбарлари ҳам ўтказилган ойлик тадбирдан беҳабар кўринади. Акс ҳолда ҳукумат қарорининг бажарилишига панжа орасидан қарашмаган бўлишарди.

Янгибозор туманидаги

аҳвол билан танишдингиз. Рейдимиз давомида шунга амин бўлдики, ённинг олдини олишдек ўта муҳим тадбир янгибозорлик раҳбарларни заррача ҳам қизиқтирмаяпти. Баъзи корхона ва ташкилотларда, жамоа хўжаликлариди Давлат ённингдан сақлаш бўлими ходимлари томонидан кўрсатилган камчиликлар йилдан йилга бажарилмасдан келинмоқда. Мамлакатимиз ҳудудида уюшқоқлик билан ўтказилган "Ённинг хавфсизлиги ойлиги"дан наҳотки янгибозорлик раҳбарлар беҳабар бўлишса? Ушбу саволимизга Янгибозор туман ҳокимлиги раҳбарлари жавоб беришди деган умиддамиз.

М. ШЕРНАЗАРОВ,
ички хизмат майори.

Суратларда: Янгибозор туманидаги баъзи хўжаликларда ённинг хавфсизлигига лоқайд муносабатда бўлишадигани сабабли мана шундай ачинарли ҳолат ҳукм сурмоқда.

Жумабой ҚОЗОҚ
олган суратлар.



лан қизиқиб Хоразм вилоят ИИБ ДЭСБ ходимлари билан биргаликда Янгибозор туманига ташриф буюрдик.

Туман марказий касалхонаси. Бу ердаги аҳволни кўздан кечириб, ённинг олдини олиш борасида айтишга арзирли иш қилинмаганлигининг гувоҳи бўлдик. Марказий иситиш хонасидаги қувурлардан сизиб чиқа-

салхона раҳбарларига кўрсатмоқчи бўлгандик, лекин уларнинг бирортасини ҳам толиб бўлмади.

Тумандаги "Хоразм" жамоа хўжалиги 1999 йил март ойидан ширкат хўжалигига ўтган. Биз ушбу хўжаликда бўлиб ширкат бошлиғи Марат Юсуповга учрашдик ва унга мақсадимизни тушунтирдик.

— Ённинг олдини олиш

Хамкасбаримиз ҳаётдан

— Кўтар қўлингил! Ҳали-ку сен милиция ходими экансан, агар авлиё бўлсанг ҳам отиб ташлайман! — деди соқоллари ўсиб кетган гумондор унга етишига уч қулочина масофа қолганда баланд бўйли, келишган йигитга қўлбола қирқма миллигини ўқталаркан.

— "Нима қилсам экан?" — ўйларди Нўмонжон гумондорнинг қўлида пичоғи борлигини ҳисобга олган эди-ю, аммо миллигини бор деб сира ҳам ўйламаганди. Энди бирор чора ўйлаш зарур. Рўхиятига таъсир ўтказиш керак, деган фикр лоп этиб миясига урилди.

— Ёмон йигитга ўхшамасан, ука. Отсанг отиб ташлайвер! Аммо мен ўлган билан барибир сени қўлга олишадди. Қара, ордандаги милиция ходимларининг кўпчилигини.

Гумондор йигит беихтиёр ордасига ўғирилганди, милиция капитани Нўмонжон Султонов жон-жаҳди билан олдинга ташланиб, унинг қўлидаги миллигини тепиб юборди. Ордан келадиган милиция ходимлари жуда ҳам узоқда эканлиги, ўзи қаршисидаги қуролсиз милиционерга алданганини сезиб, титраб кетган йигит жаҳл билан милиционернинг устига ўзини ташлади. Икки йигит олишиб кетишди. Ёз фасли бўлганлиги учун даладаги экинларга ишлов бергани чиққан одамлар тўпланиб келишиб, гумондорни қўлга олишда милиция ходимига ёрдам

беришди...

Биз тилга олган бу воқеа Балиқчи тумани ички ишлар бўлимида хизмат қиладиган туманнинг Бўстон фуқаролар йиғинида истиқомат қиладиган аҳолининг тинчлиги, осойишталигини таъминлашдек масъулиятли ва-

БАЛИҚЧИЛИК ПОЛВОН ЙИГИТ

зифани зиммасига олган участка вакили, милиция капитани Нўмонжон Султоновнинг хизматидан бир шингил, холос. Унинг отаси Исмоили аканинг умри пахтачилик бригадаси далаларида ўтган. У киши ҳар доим ўғилларига: "Болаларим,



ҳақиқатнинг кўзига тик қараб ўрганилар! Ҳақиқат яшаган жойда иккиюзламачилик, тавла-маччиликка ўрин бўлмайди", — дея ўқтирарди. Шундан бўлса керак бу оилада камол топган йигитларнинг ҳаммаси полвон. Нўмонжон ҳам ўрта мактабда ўқиб юрган кезларидаёқ ўзининг миллий курашга усталиги билан ном чиқарган. Не-не Алпомиш келбатли йигитларнинг кураги-

ни ерга тегишиб, кураш тушган йигит Намангандаги педагоглар тайёрлаш олийгоҳини тугаллаб келгач, Балиқчидаги кураш мактабда спортнинг кураш тури бўйича мураббийлик қилди. Ўша саҳсонинчи йиллар унинг ҳаётида камолот даври бўлди, десак муболаға бўлмайди. Боиси, Нўмонжон 1989 йилда Сир-

дарё вилоятида бўлиб ўтган XIX — Ўрта Осиё чемпионатида иштирок этиб, 73 килограмм вазнлилар ўртасида биринчиликни қўлга киритиб, олтин медал билан Андижонга қайтди. Миллий кураш бўйича Ўзбекистон спорт устаси деган унвон билан қайтиб келган полвон йигитни Андижон милициясига хизматга таклиф этишди. Мана ўн йилдирки, у милиция хизматида халқ тинчлиги йўлида роҳат-фароғатидан кечиб хизмат қилиб келади. Ўтган 1999 йилда Нўмонжон хизмат кўрсатган ҳудудда олтин жиноят содир этилган бўлса, ҳаммаси иссиқ изидан очилди. — Участка вакили, — дейди биз билан суҳбатда у. — халқнинг

ичида бўлиши керак. Айниқса, тўю маракаларида қатнашмаган участка вакилини халқ асло ҳурмат қилмайди. Эсимда, ўтган йили Ёз фаслида қишлоқдаги бир оила бор йигит-терганини тўплаб, тўй қиладиган эди. Эртага келин келиши керак бўлган кун уларнинг уйда қолган уч бош қорамолларининг ҳаммаси йўқолиб қолди. Одамлар орасида дув-дув гап тарқалди: "Фалончининг келинини оёғи ёқмади. У ҳали остонадан қодам қўймасдан туриб топганлари совурилади бошлади" ... Биз эса тўй эгаларига тўйни бошлашини, ўғрилорни қидириш бизнинг вазифамиз эканлигини айтдик. Гумонлар ва тахминлар натижасида иш ташкил этиб, "юз очди" кунни учта молини тўртта қилиб Улугнор туманининг Урганчи қишлоғидан қайтариб толиб олиб келдик. Бўғоз мол туғиб қолиб, ўғрилор молларни узок-роққа ҳайдай олишмаган экан. Келиннинг онаси менга бир чопон ҳада этди. Мен ўша кунни устимдаги ўзбегона чопондан эмас, кишилар кўзидаги ишонч-ни кўриб кўнглим тоғдек кўтарилди, касбимни яна ҳам яхши кўриб қолдим. Боиси, одамлар сенга ишонч, мөхр, эътиқод билан қараб туришига чарчаганингни ҳам билмайсан.

Ҳа, меҳнат қилган ҳар доим элда азиз. Нўмонжон яқинда "Хизмат кўрсатган участка вакили" кўкрак нишони билан тақдирланди.

Умида ЙЎЛЧИЕВА.
Суратда Н. Султонов.

ҚОИДАНИ БУЗГАН КИМ?

Ўтган йили сурункали равишда йўл-транспорт ҳаракати қоидаларини бузганлиги учун Сирдарё вилояти ички ишлар идоралари ходимларидан беш нафари хизматдан четлатилди.

Йўлларда ҳаракатланиш қоидалари ҳамма учун баравардир. Гоҳида светофорни "кўрмай", йўл қоидаларига риоя этмай беписанд ўтиб бораётган милиция ходимини кўриб қоласиз. Гуё йўл ҳаракати қоидага унга тааллуқли эмасдай ўзини тутадиган ана шундай ходимларнинг айби билан йўл-транспорт ҳодисалари рўй бераётгани, унда ҳатто кишилар ҳалок бўлаётгани сир эмас. Вилоят ИИБ раҳбарияти ана шу кўнгилсизликларнинг олдини олиш, ходимлар ўртасида хизмат интизомини таъминлаш мақсадида махсус комиссия тузган. Бу комиссия вақти-вақти билан вилоят автомобиль йўлларида туриб, ички ишлар идоралари ходимларини йўл ҳаракати қоидаларига риоя этиш ва бошқаларни текширадиган. Текширув давомида, шунингдек, бошқа бир киши номидаги автомобилни ишонч қозғосизис ҳайдаётган ёки расмийлаштирилмаган автомашинани ҳайдаб юрган ходимлар ҳам аниқланади. Ўтган йили 90 га яқин милиция ходимлари томонидан содир этилган ёки улар иштирокидаги турли хил қоидабузарликлар аниқланди.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, қоидабузар ходимлар жазосиз қолмаяпти. Биринчи марта қоидабузарлик қилган ходимга нисбатан интизомий жазо кўрилади, такроран содир этилса, мансаби пасайтирилади. Учунчи марта қоидабузарлик қилганлар эса хизматдан четлатилади.

Бу тадбир ўз самарасини берапти, албатта: шахсий таркиб иштирокида йўл-ҳаракати ҳодисалари камайди. Йўл-ҳаракати қоидаларига риоя этмай қўлга тушаётганлар ҳам деярли учрамаяпти. Бироқ, комиссия ўз ишини давом эттирмоқда.

Жавҳар КАРИМОВ,
ички хизмат лейтенанти.

JUMA

4

ЎзТВ I

6.30 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.30 "Ахборот".
8.30 Марказий газеталар шарҳи.

Спорт дастури:

13.10 Волейбол. Олий лига жамоалари ўртасида VIII мамлакат чемпионати.
13.40 "Кураш — менинг ифтихорим".
14.10 "Жейн хоним".

ЎзТВ II

10.00 "2000 йилдан сўнг".
10.20 "Мусликий лаҳзалар".
10.25 "Муҳаббат қаҳваси".

ЎзТВ III

7.50 "Соғлом бўлай десангиз".
8.00 Телегазета "Экспресс".
9.00 "Пойтахт".

ЎзТВ IV

7.50 "Соғлом бўлай десангиз".
8.00 Телегазета "Экспресс".
9.00 "Пойтахт".

ЎзТВ II

9.00 "Давр".
9.10 "Ешлар" телеканалда.
9.15 "Янги авлод" студияси.

20.30 "Ахборот".
21.05 "Саодат калити".
21.45 "Табриклаймиз, кутлаймиз".

ЎзТВ IV

15.00-16.10 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНЦИСИ
16:15 "СНН. Жаҳон янгиликлари".
16.45 "Мультичархпалак".

30-канал

9.05 "Мусликий тонг".
9.30, 13.30, 18.00, 20.00, 00.30 — "Телехамкор".

24.00 Бедорлик. "Қонунга хилоф".
6.00 "Хайрли тонг!".
9.00, 12.00, 15.00, 18.00, 24.00 — Янгиликлар.

РЖТ

6.00 "Хайрли тонг!".
9.00, 12.00, 15.00, 18.00, 24.00 — Янгиликлар.
9.15, 17.00 — "Тотли оғу".

РДТ

6.30-9.20 "Хайрли тонг, Россия!".
7.00, 8.00, 9.00, 13.00, 17.00, 9.30, 12.00, 01.00 — "Вести".

23.30 "Хафта панорамаси".
01.20 Баскетбол. Евролига.
"МАСК" — Тофаж (Турция).

ТВ-6

8.50, 15.05 — "Қундан-қунга".
10.45, 20.15, 02.25, 04.00 — "Йул назорати".

НТВ

8.00, 8.30, 8.45, 9.00, 9.30, 9.45, 10.00, 10.35 — "Бугун эртада".

01.15 Тун жилоси. Вуди Харрельсон "Ишбоши — Кегельбан қирбои".

АСТ

8.00, 14.00 Мультфильмлар.
8.30, 11.30, 14.30, 17.30, 20.30, 23.30, 2.30, 5.30 "Факт" ахборот дастури.

REN TV

9.00, 9.30, 18.30, 19.00 Мультсериаллар.
10.00 Мусликий канал.
11.00, 15.30 Теледўкон.

22.00 Тасодифий гувоҳ.
23.30 "Гул ва шампан кўтарган аёл" мелодрамаси.
1.45 Спорткурьер.

ТВ МАРКАЗ

8.00, 10.15 "Кайфият".
10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 22.00, 1.00 "Воқеалар".

ТНТ

9.00 "Гувоҳ" сериали.
9.30, 15.30, 19.00 Мультсериаллар.
9.55, 12.25 Таъбирнома.

SHANBA

5

ЎзТВ I

6.30 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.30 "Ахборот".
8.30 Марказий газеталар шарҳи.

Спорт дастури:

13.10 Волейбол. Олий лига жамоалари ўртасида VIII мамлакат чемпионати.
13.40 "Кураш — менинг ифтихорим".
14.10 "Жейн хоним".

ЎзТВ II

9.00 "Давр".
9.10 "Ешлар" телеканалда.
9.15 "Янги авлод" студияси.

ЎзТВ III

7.50 "Соғлом бўлай десангиз".
8.00 Телегазета "Экспресс".
9.00 "Пойтахт".

ЎзТВ II

9.00 "Давр".
9.10 "Ешлар" телеканалда.
9.15 "Янги авлод" студияси.

12.00 "Дўстлик" видеоканали.
"Дидар". "Немис шарҳи".
12.50-14.20 Кинонигоҳ.

РЖТ

7.55, 10.00, 15.00, 18.00 — Янгиликлар.
8.10 "Рухоний сўзи".

ТВ-6

9.00 ТВ-6 кинотеатри.
"Қўрқитишга усталар".
10.35, 20.40, 02.25 — "Йул назорати".

АСТ

8.00, 20.45 Спорт чегара билмайди.
8.30, 20.30, 2.30 "Факт" ахборот дастури.

REN TV

10.30 Мультфильмлар.
11.00 "Гул ва шампан кўтарган аёл" мелодрамаси.

11.30 "Тун одами" фантастик сериали.
12.30 "Шаҳар йиғилиши".

ТВ МАРКАЗ

10.00 Болалар телеканали.
11.00, 19.15 Мультфильмлар.
11.15 "Хазрат".

ТНТ

10.00 "Гувоҳ" сериали.
10.30, 12.30 Мультсериаллар.
11.00, 18.30 "Қора қўрғаз" сериали.

YAKSHANBA 6

ЎзТВ I

6.30 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.30 "Ахборот".
8.30 "Камалак". Болалар учун кинодастур.
9.00 Сурхондарё вилояти хонандаларининг концерти.

11.20 "Хамшаҳарлар".
Спорт дастури:
12.00 "Шохрух" клуби.
12.30 Волейбол. Олий лига жамоалари ўртасида VIII мамлакат чемпионати.

19.30 "Тахлилнома" (рус тилида)
20.05 "Санъат олами".
20.30 "Тахлилнома".

ЎзТВ II

7.55 Курсатувлар дастури.
8.00 "Давр тонги".
9.00 "Янги авлод" студияси намоиш этади: ("Катта танафус", мультмошоша).

9.50 "Ешлар" телеканалда.
9.55 "Муслиқий лаҳзалар".

10.00 "Ешлар овози".
10.30 "Серенгети солномаси".
10.30 "Муслиқий лаҳзалар".

11.20 "Муслиқий лаҳзалар".
11.30 "Федерал полицияси".
12.15 "Лаззат".
12.35 "Бу мунис лаҳзалар".

19.30 "Тахлилнома" (рус тилида)
20.05 "Санъат олами".
20.30 "Тахлилнома".
21.15 "Якшанба оқшомида".

ЎзТВ III

7.50 "Соғлом бўлай десагиз".
8.00 Телегазета "Экспресс".
9.00 "Тонги пойтахт".

11.15 "Мусохаба".
11.25 "Эрта бугундан бошланади".
12.05 "Навойи навалари".

ЎзТВ IV

9.00 Курсатувлар тартиби.
9.05 "Азробика ҳамма учун".
9.20 "Эртақларнинг сеҳрли оламини".

30-канал

9.05 "Муслиқий тонг". Муслиқий-дам олиш дастури.
9.30, 13.40, 18.00, 19.50, 00.30 — "Телехамкор", "Метеохабар".

18.00 "Ойнаи жаҳонда".
18.10 "Ерилош".

18.30 "Дурдона".
18.45 Телегазета "Экспресс".

19.45 Чўлпон. "Кеча ва кундуз".
Видеофильм. 7-қисм.
20.20 "Дўппи". Манзарали

филм.
20.25, 21.10 Ёшлар.
20.30 "Тахлилнома".
21.15 "Табриқлаймиз, кутлаймиз".

РЖТ

8.00, 10.00, 15.00 — Янгиликлар.
8.10 "Армия дўкони".
8.40, 16.25, 16.50 — "Дисней-клуб".

ТВ-6

9.00 ТВ-6 кинотеатри. "Доктор Жекилл ва Хайд хоним".
10.30 "Хамма уйдалигида".
10.30 "Альф".

РДТ

8.00 "Ватанимга хизмат қилман!"
8.30 Мультфильмлар.
9.20 "Бола тилидан".

НТВ

10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — "Бугун".
10.15 "Уни Никита деб атардилар".

REN TV

10.30 Мультфильмлар.
11.00 "Кранч" жангари фильми.
13.00 Опрлар ток-шоуси.

20.25, 21.10 Ёшлар.
20.30 "Тахлилнома".
21.15 "Табриқлаймиз, кутлаймиз".

ТВ-6

9.00 ТВ-6 кинотеатри. "Доктор Жекилл ва Хайд хоним".
10.30 "Хамма уйдалигида".
10.30 "Альф".

РДТ

8.00 "Ватанимга хизмат қилман!"
8.30 Мультфильмлар.
9.20 "Бола тилидан".

НТВ

10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — "Бугун".
10.15 "Уни Никита деб атардилар".

REN TV

10.30 Мультфильмлар.
11.00 "Кранч" жангари фильми.
13.00 Опрлар ток-шоуси.

дузлар майдонида".
00.20 Гэри Олдман, Тим Рот ва Ричард Дрейфус Том Стоппардининг "Розенкранц ва Гильденстернлар—ўлган" фильмида (АҚШ).

ТВ-6

9.00 ТВ-6 кинотеатри. "Доктор Жекилл ва Хайд хоним".
10.30 "Хамма уйдалигида".
10.30 "Альф".

РДТ

8.00 "Ватанимга хизмат қилман!"
8.30 Мультфильмлар.
9.20 "Бола тилидан".

НТВ

10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — "Бугун".
10.15 "Уни Никита деб атардилар".

REN TV

10.30 Мультфильмлар.
11.00 "Кранч" жангари фильми.
13.00 Опрлар ток-шоуси.

23.50 "Якунлар" Виктор Шендерович билан.
00.10 Сунгги киносеанс. "Полициячилар академияси".

ТВ-6

9.00 ТВ-6 кинотеатри. "Доктор Жекилл ва Хайд хоним".
10.30 "Хамма уйдалигида".
10.30 "Альф".

РДТ

8.00 "Ватанимга хизмат қилман!"
8.30 Мультфильмлар.
9.20 "Бола тилидан".

НТВ

10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — "Бугун".
10.15 "Уни Никита деб атардилар".

REN TV

10.30 Мультфильмлар.
11.00 "Кранч" жангари фильми.
13.00 Опрлар ток-шоуси.

1.30 "Дўзахлик уйинчи" драматик фильм.
3.45 Тунги муслиқий канал.

ТВ МАРКАЗ

10.00 Болалар телеканал.
11.00, 17.45, 19.45 Мультфильмлар.
11.15 "45-йилнинг худди шу кунда".

ТВ МАРКАЗ

11.15 "45-йилнинг худди шу кунда".
11.35 "Тун одами" фантастик сериали.
12.30 Сўз ва иш.

ТВ МАРКАЗ

12.30 "Тун одами" фантастик сериали.
12.30 Сўз ва иш.
13.00, 16.00, 22.00 "Воқеалар".

ТВ МАРКАЗ

13.15 "Дала почтаси" муслиқий дастур.
13.45 Аёллар олами.
14.15 "21-хона".

ТВ МАРКАЗ

14.45 Грузия қисқа фильмлари: "Тогни бўйсундирувчилар".
15.25 "Грани" дастури.
16.15 "Амалиёт" телесериалида адвокатлар тарихи.

ТВ МАРКАЗ

17.15 "Алоҳида папка".
18.05 "Жюли Леско" сериали.
20.00 "Учинчиси берилмаган" интерактив фильми.

ТВ МАРКАЗ

21.00 "Якшанба концерти" дастури.
22.25 Спортэкспресс.
22.55 "Қизил калина" бадий фильми.
0.50 "Махфий материаллар".

ТВ МАРКАЗ

1.20 "Жодуланган севги" бадий фильми.
10.00 "Гувоҳ" сериали.
10.30, 12.30 Мультсериял.

ТВ МАРКАЗ

11.00, 18.30 "Доктор Элинора Брэмвелл" сериали.
11.55, 17.30 Таъбирнома.
12.00 "Қароқчи ҳужуми" уйини.

ТВ МАРКАЗ

13.00 "Алекс Мак-Знинг сирли олами" ўсимлар учун сериали.
13.30 Суперхоккей.
14.00 Жаҳон футбол.
14.30 "Қсапатана сирлари" уйини.

ТВ МАРКАЗ

16.00 "Ёввойи табиат олами" сериали.
16.30 - 17.00 Ҳужжатли фильмлар.
17.35 "Хоним" сериали.
19.30 "Сиквест" саргузашт сериали.

Оллоҳ берган суянчигимиз, меҳрибон дадажонимиз АХМАТБЕК ота! Сизни кутлуг 70 ёшингиз билан кутлаб, узоқ умр, сиҳат-саломатлик тилаймиз.

Фарзандларингиз ва набираларингиз номидан Бекмурод Маҳаматбеков.

Барчамиз учун ҳурматли ва жон қадар азиз адажонимиз, Баҳодир Мирхонидиевич МАГДИЕВ!

Сизни таваллуд топган кунингизнинг 50 йиллиги билан самимий табриқлаймиз.

Эзгу тилақлар билан рафиқангиз Шоира, қизларингиз Дилноза, Дилдора, Феруза, Дилфуза.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ ҳузурдаги "Қўриқлаш" бирлашмаси катта инспектори милиция майори, азиз адажонимиз Қодиржон ИБODOV!

турмуш ўртоғингиз Шоҳиста, фарзандларингиз Наргиза, Қомилжон, Олимжон.

Чилонзор тумани ИИБ профилактика хизмати катта инспектори, милиция капитани Зокиржон ЖОВУНОВНИ туғилган кунин билан самимий табриқлаймиз.

Туман ИИБ профилактика хизмати ходимлари.

Акмал Икромов тумани ИИБ ходими, "Гузар" маҳалласи профилактика инспектори милиция лейтенанти Шавкат ТўРАЕВНИ таваллуд кунин билан чин қалбдан табриқлаймиз.

Туман ИИБ шахсий таркиби ва "Гузар" маҳалласи фуқаролари.

Азиз ўғлимиз, АКМАЛЖОН! Сени туғилган кунинг — 15 ёшинг билан қизгин муборакбод этамиз.

Даланг Олим, ойинг Ҳурматой, акаларинг Баҳодир, Бахтиёр ва уканг Алишер.

Меҳрибонимиз, милиция катта сержанти Фурқатжон ҒАППОРОВНИ туғилган кунин билан табриқлаймиз.

Рома, Рифат, Исмоил, Роза, Эльвира, Насима.

«КАМОЛОТ-КОМПЮТЕР» БИЗНЕС МАКТАБИ
Куйидаги ўқув курсларга тақлиф қилади:
хисобчилар, компьютер таълими билан бирга;
инглиз тили (бошловчилар ва давом эттирувчилар учун);

«ДИЛОРОМ» ўқув маркази тақлиф этади:
2 ойлик:
1. Компьютер билимлари.
2. Замонавий бухгалтерия ҳисоби.
3. Зардўзлик — бухгалтерия.
3 ойлик:
1. Компьютерда бухгалтерия ҳисоби.

«ЗУККО» фирмасы ўқув маркази
сизларни турли курсларга ўқишга тақлиф этади
3 ойлик:
Бичиш-тиқиш — бир ойга 2000 сўм.
Инглиз тили — бир ойга 1500 сўм.
Телерадиоусталари — бир ойга 2000 сўм.
Бухгалтерия — бир ойга 2500 сўм.

«О.МАКС» ФИРМАСИ
қуйидаги ўқув курсларига тақлиф этади:
3 ойлик:
Инглиз тили (бошловчилар учун)
Инглиз тили (давом этувчилар учун)
Ҳисобчилар компьютер таълими билан бирга
Инглиз тили ва компьютер билимлари
2 ойлик:
Замонавий ҳисоб-китоб
TOEFL тестига тайёрлаш
COREL DRAW 7
1 ойлик:
1 С бухгалтерия дастурида иш юрийтиш
Компьютерда ишлаш таълими (WINDOWS'95, MS OFFICE'97)



Фойдали мулоқот

Яқинда Чирокчи туманидаги Чиял ширкат хўжалигининг Чувуллоқ қишлоғида жойлашган маҳалла биносида хўжалик ҳудудидаги қишлоқларда хизмат кўрсатаётган посбонлар фаолиятини яхшилаш, иш самардорлигини ошириш ҳамда ходимларга амалий ёрдамни яхшилашга бағишланган кенгаш бўлиб ўтди.

Ҳуқуқни ҳимоя қилиш, маҳаллий ташкилотлар ва хўжалик ҳудудидаги мактабларнинг раҳбарлари иштирок этган ўзаро мулоқотда ўтган йилги ишларга яқун ясашиб, янги йилдаги қилиниши лозим бўлган режалар хусусида фикрлашиб олинди. Кенгашда сўзга чиққан қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Бердиёр Раҳмонов, туман ички ишлар бўлимининг хўжаликдаги участка вакили милиция катта лейтенанти, Бахтиёр Чоршанбиев, посбонлар номидан сўз олган Бердимурод Бўриев, Чувуллоқ маҳалла оқсоқоли Бойбўта Шодмоновлар жиноятчиликнинг олдини олиш борасидаги вазифалар, маҳаллалар ва мактаб ўртасидаги алоқани янада яхшилаш юзасидан ўзларининг фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар. Кенгашда туман ички ишлар бўлими вакили милиция майори Абдурашид Рўзиев иштирок этди ва ҳуқуқ-тартибот посбонлари олдига турган вазифалар тўғрисида сўзлади. Ўзаро мулоқот иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

Бегмат БОБОРАҲМАТОВ.

Ярим тунда кўча дарвоза тақиллаб қолди. Қариндошларда тинчликмикан, дея эшикка яқинлашиб овоз бергандим, мелисаданмиз дейишди. Ҳаво тириш яна ошиб, эшикни очдим. Дарвоза олдига уч нафар мелиса йигитлар турарди.

— Отахон, ётишдан олдин дарвозани тамбаламаганмидингиз, — деди улардан бири.

КАСБИНГИЗДАН БАРАКА ТОПИНГ

— Нега энди, хуфтонни ўқиб оғилхона томонни, катта дарвозани ўзим тамбалаганман, — дедим.

— Моллардан хабар олинг-чи, — деди яна бири.

Не кўз билан кўрайки, кўрадаги кўйлар йўқ. Оғилхона томондаги эшик ланг очик турарди. Бу орада икки ўғлим ҳам ўрнидан туриб келди. Йигитлар тезда қидирувни бошлашми, дейишди. Икки-уч киши бўлиб икки томонга кетдик. Юрпману хаёлим кўйларда, қайси виждонсиз олиб кетди экан, деб куюнаман. Қанча юрганмни билмайман, қайси томондандир машина сигнали эшитилди.

— Юринг ота, бизни чақиринг, — деди ёнимдаги мелиса йигит.

Маҳалланинг орқасидаги дўнг тепалик ортига етиб борганимизда ўғлим Хайрулла оёқлари боғланган кўйларни ечарди. Қоронгуда яхши англамадим, қандайдир машина олдига мелиса йигитлар икки йигитнинг қўлини орқасига қилиб ушлаб турарди. Кўйларимни кўриб, кўзимдан ёш чиқиб кетди.

Англадимки, мелисалар

тунда ҳам ухلامас экан. Маҳаллани айланиб юришигана қарашса, оғилхона томондаги эшигимиз ланг очик, кейин юраклари ниманидир сезиб, дарвозани тақиллатишган.

Ёшим саксонга яқинлашиб қолди. Ўзим Ғаллаорол шаҳрида яшайман. Ёшлигимдан пенсияга чиққунча жамоа хўжалигида тракторчилик қилганман. Айримлар мелисалар

ҳақида ножўя гапларни айтишади. Балки, орасида ноқобиллари ҳам бордир. Шоли курмаксиз бўлмайдику, ахир. Лекин, мелисаларнинг ҳамма уйқуда ётганида, уларнинг тинчилиги ва осойишталигини уйлаб, тун билан шаҳар, қишлоқларни айланиб юришини кўпчилик билмас керак.

Кўйларимни нопок кишилар чангалидан қайтариб олиб берган йигитларга, мелисаларга раҳмат айтиш учун, Жиззахга уларнинг каттаси олдига бордим. Воқеани айтиб бердим, ҳаммасини дуо қилдим. Эртасига Ғаллаоролга газета мухбири келганини эшитиб, чошиб бордим. Унга ҳам воқеани айтиб, газета орқали Ғаллаорол, йўқ, умуман ҳамма мелисаларга раҳмат айтилган хатимни тутқаздим. Эл-юрт тинчилиги, беҳавотир яшашини кўзлаб хизмат қилаётганларга Оллоҳдан саломатлик, ишида омад ёр бўлишини сўрайман. Касбингиздан барака топинг, мелиса ўғилларим!

Эгамберди ЭШМИРЗАЕВ, меҳнат фахрийси.

Тахририят почтасидан

Тошкент шаҳридаги “Отчопор” бозорини ким ҳам билмайди дейсиз. У ерда кунига юзлаб одам савдо қилади. Уларнинг қанчаси вилоятлардан келган.

— Ишламайди. Уйда болаларга қараб ўтиради, ўзим пул топиб, боқаяпман. Янги “Дамас” олиб берганман.
— Илгари ишлармиди?
— Ишларди. Ўзим ишлатмай қўйдим. Арзимаган ой-

лари одобли, ахлоқли, ўқимишли бўлиб етишишига? Онанинг ўрни болалари ёнида бўлиб, у болалар тарбияси билан шугуланиши керак эмасми?

Кечга томон Жиззах шаҳрига кириб келдик. Аёлни айтган манзилига етказдим. Машина юкхонасидан зил-зимбил сумкаларни олаётган пайтим, ёнимизга

ган кунга боришим керак, — деди хотини эрига қараб, буйруқ оҳангида.

Эр иккита сумкани кўтариб уйга кириб кетди.

Уйга қайтаяпману, хаёлим ҳалиги йигитда. Унинг йигитлик ғурури қани? Ахир, эркак — оила бошлиғи, у меҳнат қилиб оила боқиши шартку?! Менимча, бундай йигитларнинг қўлидан келмайдиган иш йўқ. Фақат у боқимандалик кайфиятидан чиқолмайди, ориятни йиғиштириб, уддабурро хотиннинг қўлига қараб ўтиради. Ҳозир қанчадан қанча корхоналар ишга тушияпти. Ана шу корхоналар бундай йигитларни эсон деб ишга қабул қилади. Аёлидан миннат эшитиб уйда ўтиргандан кўра ишлагани маъқул эмасми? Меҳнат қилиб элига нафи тегиб, хурмат қозониб юришига нима етсин. Аёли ҳам болалар тарбияси билан шугулланарди, турмуш ўртоғи билан фахрланарди. Лекин бундан йигитга айтолмадим...

Анорбек ОДИЛОВ, Жиззах шаҳри.

АЁЛ КИШИ ОТТА МИНСА...

Яқинда бир юмуш билан Тошкентга борган эдим. Ишни битириб, қайтишда бозор олдидан ўтаётсам бир аёл кўл кўтариб, “тўхта” ишорасини қилди. Жиззахга бўлса олиб кетай, савоб бўлади деган ўйда машинани тўхтатдим.

Машинадан тушиб, аёлни сумкаларини юкхонага жойлаштиришга ёрдамлашдим.

Йўл-йўлакай суҳбатимиздан шу нарса маълум бўлдики, аёл Отчопор бозорига савдо қиларкан. “Тижорат қиламан. Ҳар ўн кунда уйга бориб, болалардан, хўжайинимдан хабар олиб келаман”, — деди аёл.
— Хўжайинингиз ишлайдими?

ликка ишлаб нима қилади? Уйда болаларга қараб ўтиринг, ўзим сиздан юз баравар кўп пул топаман, дедим...

Аёлга зимдан разм соламан. Бўйнида фалон сўмлик марварид, икки қўлида тилла билагузук, узуклар, оёғида баланд пошналар туфли, эгнида қимматбаҳо кўйлак. Афтидан, уйга бораётгани учун атайин ясашиб олган. Барибир қанчалик ясан-турсан қилиб олган бўлса-да, унда аёллик латофати йўқ эди. Беҳатиёр уйга толдим. Она тижорат деб ҳафта-лаб, ўн кунлаб уйга бормаса. Ким кафолат беради, эртанги кунда уларнинг бола-

янги “Дамас” келиб тўхтади. Машинадан бир йигит тушиб мен билан саломлашди. Сўнг хотинига қараб:

— Яхши келдингизми, аяси? — деди.

— Яхши келдим! Қаёқда юрибсиз уйда ўтирмай? — дея бобиллаб берди аёл эрига қараб.

— Нонга боргандим. Келишингизга атайлаб иўрва солиб қўювдим, — гуноҳкорона бош эгди эр, — болаларга қараб ўтирибманку?

— Қарамай қаёққа ҳам борасиз? Боқини кўлингиздан келмагандан кейин... Тезроқ сумкани уйга олиб кириш, мен бир кунга келдим, кечқурун дугонаникига туғил-

Қалдирғоч

ВАТАНГА МУСТАҲКАМ ҚЎРҒОНЛАР КЕРАК

Мустақил юрт учун посбонлар керак, Мард, ботир ва жасур ўғлонлар керак. Ўзи олатуриб, олдирмайдиган, Ватанга мустаҳкам қўрғонлар керак.

Сарқарда Темурнинг авлодларидан, Шоҳ Бобур Мирзонинг соф қонларидан, Спитаменлардек довурак бўлган, Ватанга мустаҳкам қўрғонлар керак.

Хоҳ ерда, хоҳ фазо, денгизда бўлсин, Чаманзорда бўлсин, саҳрода бўлсин, Қаерда бўлмасин, қайда бўлмасин, Ватанга мустаҳкам қўрғонлар керак.

...Қўрғон бўлинг азиз, акажонларим!

АДАШДИМ

Олдин мен ҳам садоқатли дўст эдим, Дўстдан юз ўгирдим, ғанимни дедим, Бошим тошга тегиб, пушаймон едим, Афсус, рўёларга учдим, адашдим.

Ушанда чин дўстни осон сотганман, Ўзимни ўткинчи шодга отганман, Энди-чи шу ишдан гамга ботганман, Афсус, ёлгонларга учдим, адашдим.

Адашди, бу ишдан ҳайрона бўлдим, Кошонам бузилди, вайрона бўлдим, Ҳатто маст ичмаган айрона бўлдим, Афсус, рўёларга учдим, адашдим.

Чин дўстим юзига қандай қарайин, Қошига бош эгиб қандай борайин, Рози бўл, дўстгинам, пойинг бўлайин, Кечиролсанг кечир, дўстим, адашдим.

Машхура ҚАҲҲОРОВА, Шаҳрисабз тумани, 41-ўрта мактабнинг 10-синф ўқувчиси.

МИННАТДОРМИЗ

Ўзбекнинг яхши бир одати бор. Туй қиламан деб аввал бошдан тайёргарлик кўради. Мен ҳам ўғилларимнинг туйларини ўтказганиман дея оила авзоларимиз билан иккита новвосни боқдик. Пахта йиғим-терими ўтиб тўйни ўтказишга аҳд қилгандик. Ахир деҳқон кузда қўли бўшаса, яйрамаса қачон яйрайди. Туй ҳам шунда кўнглиннга татийди. Бироқ не-не орзу-умидлар билан боқайётган новвосларни номаълум кимсалар 1999 йилнинг 13 ноябидан 14 ноябга ўтар кечаси ўғирлаб кетишди. Хотин, бола-чақам роса молларни эслаб эзилдик. Ҳамма умидимиз шулардан эди-да.

Богот тумани ички ишлар бўлимига бориб учрашганимиздан кейин тезкор вакиллар гапимизни диққат билан тинглаб, ёрдам беришларини айтишди. Вилоят ИИБ Жиноят-қидирув бошқармаси бошлиғи, милиция подполковниги Ботир Мавлоновнинг шахсан ўзи қидирувга бошчилик қилди. Хоразмнинг нечта мол бозори бўлса, тезкор вакиллар билан айланиб чиқдик. Ишимиз ўнгидан келди. Уғиллар Янгиариқ туманида Зокир Латипов, Аллазар Эшнйезов ва уларга ҳамтовоқ бўлган ҳайдовчи Шокир Машариповлар бўлиб чиқди ва улар қўлга олиндилар. Тергов давомида уларнинг кўплаб ана шундай жиноятлар содир этганлиги аниқланди. Жумладан: Янгиариқ тумани Аваз Утар жамоа хўжалигида яшовчи Уктам Собировнинг 3 бош молини, Шовот туманида яшовчи Рузимбой Юсуповнинг 1 бош молини ўғирлашгани терговда маълум бўлди.

Биз оила авзоларимиз номидан Богот тумани ва вилоят ИИБ тезкор вакилларига ўз миннатдорчилигимизни билдирмоқчимиз.

Баҳром КҮРЯЗОВ, Хоразм вилояти Богот тумани Огаҳий номидаги жамоа хўжалиги авзоси.



Уйимиз озода бўлса, қандай яхши!



Ақромжон АҲМАДЖОНОВ олган суратлар, Қўрай тумани, 286-мактаб ўқувчиси.

“Биз наркотик моддалар тарқатилишининг ҳалокатли оқибатларини сергаклик билан баҳолаган ҳолда, бу иллатга қарши курашда саъй-ҳаракатларимизни бирлаштиришимиз зарур. Ўзбекистон барча манфаатдор мамлакатлар ва ташкилотлар билан бу борада ҳамкорлик қилишга тайёр”.

И. КАРИМОВ.

ЧАНГАК

Гиёҳвандлар ва гиёҳвандлик моддалари билан олди-сотди қилувчилар истаса-истамаса фақат қотиллик, ўғрилик, босқинчилик, фоҳишалик каби жамият учун ўта хатарли кўчалардан юришга мажбурлигини яхши билдилар. Лекин, шунга қарамай, олдиларидаги тубсиз жар томон боравердилар. Масалан, Умида Маҳкамовани олайлик.

Бир куни унга пул зарур бўлиб қолди. Кимдан сўрашни ўйлай-ўйлай маҳалладоши Раушания Валиева эсига тушди. Раушания бангилик дорилари билан савдо қилар, демак, пули бўлиши керак эди.

— Ҳозир пулим йўқ, — деди Раушания. — Пул тушса, ўзим олиб бориб бераман.

1999 йилнинг июнь ойи эди. Кечки пайт соат бешларда Раушания Умидаларникига борди ва елим халтачаларга солинган гиёҳвандлик моддаларини кўрсатди.

— Мана шуларни сотиб

ёрлаб кўйинг, — деди у кетиш олдидан.

Умида Раушанияга унинг гапини етказди. Ра-

ушания буюртмани тайёрлаб берди. Комил келиб уларни олиб кетди...

Хўш, Комил Эшонқулов ким ўзи? У ҳеч қаерда ишланмас, учта вояга етмаган фарзанди бор эди. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 276-моддаси 1-қисми билан судланган.

Аввал ҳам ёнида гиёҳвандлик моддасини олиб юрганлиги учун жазоланган эди. Лекин шундан кейин ҳам эски ишини ташламади.

Ўша куни Комил Умидалдан 450 сўмдан олган

ри машинада ўтирган йигитни пастга тушишга ундаб: “Сиз гиёҳвандлик моддаси сотишда гумонланяпсиз” деб ҳуқуқ ва бурчларини тушунтирдилар. Оғуфруш Комил Эшонқулов чўнтақларидаги ҳамма нарсани машинанинг юкхонаси қоққоғига қўйганда кичкина халтачаларга

САРОБ

Таркибида гиёҳвандлик моддаси бўлган ўсимликларни баъзи пулга ружу қўйган шахслар шахсий бойлик орттириш учун хуфиёна экади.

Хўш, кишилар умрига, шодлиги ва бахтига зомин бўлаётган зарарли гиёҳлар

Гиёҳвандлик — иллат

Республика ИИВ Жиноят-қидирув бош бошқармаси гиёҳвандлик моддаларининг ноқонуний айланишига қарши кураш бошқармасида нодир альбом сақланади. Унга ғайриқонуний йўллар билан таркибида гиёҳвандлик моддаси бўлган ўсимликларни ўстирган, тайёрлаган, харид қилган, тарқатган, истеъмол қилган шахсларнинг суратлари ёпиштирилган. Уни варақлар экансиз, бириридан аянчли манзараларни кўриб ташвишга тушасиз.

Фотосуратлар остидаги ёзувларни ўқиймиз:

“М. Худойназаров, 1954

мизда ўтказилган “Қорадори-99” тадбирида нопок шахслардан бир тоннадан зиёд гиёҳвандлик моддалари мусодара қилинди ва йўқ қилиб ташланди. Лекин гиёҳвандликка қарши кураш соҳасидаги бу ишларни етарли деб бўлмайдиган Шунинг учун ҳам бу ярмас иллатга қарши барча жамоатчилик жалб этилиши лозим. Жумладан, турли гиёҳлар қатори ўсиб чиқиши мумкин бўлган оғуларни таг-томири билан йўқотиш ҳар бир ҳаётимизнинг бурчидир. Ана шундагина олиб бораётган саъй-ҳаракатимиз кутилган самара беради.

ХОТИМА

Гиёҳвандлик кўчасидан антиқа бир нарса топиб олишни хаёл қилиб, қидиргани, интилгани сароб эканини англаб етма-



ЎЗГАРТИЛГАН ҚОРА ИШИМ

ўсаётган

пайкаларни йўқотиш учун қандай ишлар қилинаёттир?

— Мутлақо тақиқланганига қарамай кўкнор, наша ҳамда бошқа таркибида гиёҳвандлик моддаси бўлган экинларни етиштириш билан шуғулланаётган ва тарқатаётганлар билан жиддий курашяпмиз, — дейди республика ИИВ Жиноят-қидирув бош бошқармасининг гиёҳвандлик моддаларининг ноқонуний айланишига қарши кураш бошқармаси бошлиғи ўринбосари, милиция полковниги Сергей Копёнкин. — Мана шу мақсадда ўтган йили ўсимлик айна пишиб етилаётган паллада навбатдаги “Қорадори-99” тадбири ўтказилди. Унга милиция ходимлари, шунингдек, кенг жамоатчилик жалб қилинди. Уюшқоқлик билан ўтказилган бу тадбир давомида турли мақсадда экилган ҳамда ёввойи ҳолда ўсиб ётган кўкнор, наша пайҳон қилиб, ўриб ташланди. Ана шу экинларни эккан кишилар устидан жиноий иш кўзгатилди. Шу билан бир неча ўн миллион сўмга пулланиши мумкин бўлган оғунинг



Гиёҳвандликнинг мудҳиш оқибатлари.

йилда туғилган, Сурхондарё вилояти Узун туманидаги 68-ўрта мактабда ўқитувчи бўлиб ишлаган. Унинг ёнидан 131 грамм героин топилган”.

“Ф. Абдуллаев, 1959 йилда Хоразм вилояти Боғот туманида туғилган. 10 грамм опий — гиёҳванд моддани 5500 сўмга пуллаётганда қўлга олинган. Уйда тинтув ўтказилганда сотишга тайёрлаб қўйган яна 234 грамм опий топилган. Ўзи қўлга олинганга қадар тумандаги А.

ётган гиёҳвандлар ҳаёти хавф остида. Уларнинг наркотик модда ўпкада рақ бошланишига, руҳий касалликлар, жинсий заифлик, қоннинг айланиши, мия фаолиятининг бузилиши сингари ҳунук оқибатларнинг сабабчиси эканидан хабарлари бормикин? Гиёҳвандлар нафақат ўз соғликларига, балки жамият, маънавиятимизга ҳам путур етказдилар.

Икки мингинчи йил “Соғлом авлод йили” деб эълон қилинди. Бу — республикамизда яшовчи ҳар бир фуқаро олдида авлодларимизни жисмонан ва маънан соғлом бўлишида жуда катта вазифалар юклайди. Авлодларимизнинг соғломлиги йўлидаги асосий бурчимиз эса ҳар биримизнинг атрофимиздагиларга нисбатан доимий ҳушёрлик ва меҳр-оқибат кўзи билан қарашимизга боғлиқ. Зеро ҳар томонлама соғлом ота-онадангина соғлом авлод қолади.

Мурод ТИЛЛАЕВ.

Гиёҳвандлик шунчаки жиноят эмас, балки мамлакат, умумжаҳон миқёсида ҳал этилиши лозим бўлган муаммо, жирканч иллатдир.

берсангиз, ўзингизга ҳам фойда қолади.

— Кимга сотаман? — сўради ҳайрон бўлган Умида.

— Харидорни ўзим жўнатаман. Мана халтачалар. Ҳар бирини 450 сўмдан сотамиз, менга 400 сўмдан берасиз. Сизга 50 сўмдан қолади.

Умида рози бўлди-ю, ҳар қадамида ютиб юборишга шай турган хавфли ботқоққа кирди. Харидор ҳам дарровгина топила қолибди — эртаси кунёқ Саша исмли йигит келиб, икки халтача “Чек” қорадорисини 450 сўмдан олиб кетди. Икки кундан кейин яна икки халтача харид қилди. Бир неча кун ўтиб эса маҳалладоши Комил деган йигит қорадори сўраб кирди. Умида унга йўқлигини айтди. Эртасига Раушания келди ва:

— Нима учун Комилга дори йўқ дедингиз? — деб сўради.

— Ундан кўрқдим, — жавоб берди Умида.

— Мен юборганлигимни айтган одамга сотавринг, — деди Раушания.

Шу куни кечкурун Комил келиб, тўртта дори олди.

— Менга 50 та дори тай-

(Охири. Боши ўтган сонда).

дорини Лола исмли аёлга 500 сўмдан пуллади. Уч рус йигитга ҳам учта “опий” сотди. Вақт ўтгач, бозорини қизитиб юбормоқчи бўлди.

— Саксон дона “Чек” дорисига харидор бор, — деди у. — Агар топиб берсанг, яхшигина фойдаланиб қоламиз.

Комил, табиийки, рози бўлди. Оля уни Отабек деган йигит билан таништириб қўйди. Улар 23 июнь куни учрашишга келишдилар. Комил Умиданикига келиб буюртмани айтди. Умида эса унинг илтимосини ерда қолдирмай 50 халтача “дори” топиб берди.

Гиёҳвандлик олди-сотдиси ҳақида хабар топган заҳоти Ўзбекистон Республикаси ИИВ Тергов бошқармасининг катта терговчиси, милиция майори Ҳасан Ҳошимов бошлиқ тезкор гуруҳ шошилинич йўлга чиқди. Жиноятчилар учрашадиган жой аниқ эди. Гуруҳ аъзолари белгиланган жойга боришгач, ўткинчилардан холис гувоҳ бўлишни сўрадилар. Гувоҳ топилагач, ҳаммалари кўзи ожизлар клуби томон юришди. У ерда бир “Жигули” машинаси турарди. Милиция ходимла-

жойланган тўқ жигарранг елимга ўхшаш, ўткир ҳидли моддалар чиқди. Халтачалар сони жами 48 та эди.

Шундай қилиб, ўзгаларни заҳарлаш эвазига бойлик орттириш мақсадида уюшган гуруҳ сири очила бошланди. Улар муқаддам судланган гиёҳвандлар Ольга Финанжина, Ильдар Шерметовлар ва Раушания Валиева, таъминотчи эса Ильдар Шерметов эди. И. Шерметовни терговда шахсини аниқлашнинг иложи бўлмаган икки шахс таъминлаб турарди.

Хўп, булар-ку жиноят кўчасида таваккал яшашга киришибдилар. Ўзини ғурбат чангалига топшираётган кишилар, айниқса, ёшларга нима дейиш мумкин? Бирор касалликка чалинган одам қай аҳволга тушади? Дунё кўзига тор бўлиб, тузалиш учун ҳар қандай ишдан қайтмайди, ўзини минг томонга уради. Ўз хоҳиши билан гиёҳвандликка ўрнаиб, баданига заҳар қуяётганлар қандай кишилар экан? Ахир, гиёҳвандларнинг умри охир-оқибат қандай тугашини кўриб-билиб турибмиз-ку! Гиёҳвандлик моддаси инсон танасини емирувчи курт, гиёҳвандлик эса чангак эканлиги барчамизга аён-ку!

Энг даҳшатли томони шундаки, гиёҳвандлар ҳуморини босиш йўлида қариндош-уруғи, ота-онаси, ҳатто Ватанини ҳам сотишга тайёр.

Демак, гиёҳвандлик шунчаки жиноят эмас, балки мамлакат, умумжаҳон миқёсида ҳал этилиши лозим бўлган муаммо, жирканч иллатдир.

Ўтган йили республикамизда ўтказилган “Қорадори-99” тадбирида нопок шахслардан бир тоннадан зиёд гиёҳвандлик моддалари мусодара қилинди ва йўқ қилиб ташланди.

яширин бозорга чиқиш йўли қирқилди. Шунга қарамай, гиёҳвандлик моддасини истеъмол қилиш камаймаяпти. Ачинарлиси шундаки, бу иллат балоғат ёшига етмаганлар ўртасида ҳам пайдо бўлаяпти.

Қаҳҳор номли мактабда ўқитувчилик қилган”.

“В. Қўзибоев, 1946 йилда Сирдарё вилоятида туғилган. У ва унинг ҳамтовоғи Б. Қорабоев, А. Маннаповларнинг ёнидан 1,2 кг героин топилган”.

Ўтган йили республика-

Бу мураффа отамни

ГРИППНИНГ ДУШМАНИ

Гриппни энг осон йўли нима? "Оддий карам", - деб жавоб беради ота-боболаримизнинг "хонаки дорихонаси".
Маълумки, карамда турли дармондори (витамин) ва бошқа фойдали моддалар кўп. Бундан ташқари уни истеъмол қилинганда организмда микробга қаршилик қилувчи интерферон ишлаб чиқаради.
Шунингдек, чанқовбосди ичимлик бўлган наъматак дамламаси ҳам жуда фойдали. Грипп билан оғриган одам икки кунгина кўпроқ хом карам еб, чанқанда наъматак дамламасини ичса, қарабсизки, касалликдан ном-нишон қолмайди, - Бу даво арзон ва осон топилади - тўғрими? Бундан ташқари, тумовланиб бўғилиб йўталаверсангиз, наҳорга қайноқ сутга озгина чой содаси ва бироз сариёғ, шакар солиб ичинг - икки-уч кундаёқ йўталдан қутуласиз.

КУЛГУ БЕКАМУ



"БУВАМ ОТАМНИ УРЯПТИ"

Тоғли қишлоқлардан бирида салкам юз ёшга кирган одам борлигини эшитган мухбир уни қидириб борибди ва узоқ яшаш сири-ни суриштира бошлабди.
- Ҳаётимда бирор марта спиртли ичимлик ичмадим, тамаки чекмадим, гўшт емадим, - деб қария гап бошлаганда нариги ховлида қий-чув, тўполон бошланибди.
- Нима гап? - сўрабди мухбир.
- Э, бувам отамни қулоқсизлиги учун уряпти...

"ЮВАМИЗ"

- Дўстим, бир отамлашайлик деб келдим.
- Ошна, хафа бўлмайсан, ичишни ташладим.
- Э оғайни, биласан, мен ҳам қувиб юриб ичмайман. Ичишни ташлаганингни эшитиб, шуни "ювамиз" деб келдим...

МЕҲРИБОНЛИКНИНГ САБАБИ

- Нормамат, Болтавой ҳақиқий дўстинг экан, то қасалхонадан чиққунича ёнидан жилмадинг-а? Қанча дори-дармон ташидинг-у. Шунча қилган ҳаракатларинг зое кетмади, Болтавой хушига келиб, анча яхши бўлиб қолибди.
- Э содда, Болтавой мендан анчагина қарз олган, ўлиб-нетиб қолса кўйиб қолавераманми деб жонимни жабборга бериб парваришладим уни...

ХОТИННИНГ ҲИЙЛАСИ

Заргарлик дўконини "шунчаки, томоша қилишга" деб эрини етаклаб кирган аёл чиройли тилла узукни "тақиб кўрганга пул олмайди-ку, адаси?" деб тақиб кўрди-ю... узук бармоғидан чиқмай қолди. Аёл ҳаракат қилди, эр уринди, дўкандор кўмаклашди - гўё узук этга ёпишиб қолгандек "қилт" этмасди.
- Энди дўхтирга бормасаларинг бўлмайди ака, - деди сотувчи ачиниб. - Қаранг, янгамнинг бармоқлари шиша бошлади. Узукни қирқиб олинмаса чатоқ.

Ноилож қолган эр чўнтагидаги бор-йўғи - кеча олган таътил пулларини санаб, узук учун тўлабди ва:
- Онаси, тезроқ юр, энг яқиндаги касалхона қайси бири экан? - дея ҳовлиқиб, хотинини етаклаб, ўткинчи машиналарга қўл кўтара бошлабди.

Машина тўхтаб, улар чиқишгач, хотин эрини туртиб:
- Адаси, манавини ички чўнтагингизга солиб қўйинг, тушиб қолмасин, - дебди узукни узатиб.

"МЕНИ АЛДАБ БЎПСАНЛАР!"

- Сергей, сен ҳизмат сафарига кетдинг - уйингга бир бегона эркак келиб, хотининг билан яшайди, - деб қўшниси уч-тўрт марта айтгач, хотинининг вафодорлигига чин дилдан ишонадиган Сергейнинг кўнглига шубҳа тушибди. У хотинига "беш кунлик сафарга кетдим" деб аслида ўша қўшнининг уйига яшириниб, пойлай бошлабди. Бир, икки, уч кун ўтибди - уйига бегона эркак келмабди.

- Мана, янглишганингизни, хотиним соф аёллигини кўрдингизми? - деб қўшнисига таъна қилиб турса... барзангидек айқисмон эркак лапанлаб, уйига кириб кетибди.

- Ана, келди, - дебди гапи ростлиги исботланган қўшни. - Ярим соатдан кейин кириб, уларнинг нима билан шуғулланаётганини кўришингиз мумкин.

Эр ярим соатдан кейин ўз қалити билан сездирмай эшикни очиб, кирса зўр қилиб безатилган дастурхонда анвойи ноз-неъматлар. Хотини қип-қизил бўлиб пишган товۇқни дастурхонга қўйиб:

- Роман, ҳозир эрим келиб қолса, нима қилардинг? - дебди қарашма билан.

- Мана бундай қилиб бурдалаб ташлардим! - Роман бақувват қўллари билан товۇқнинг икки оёғидан ушлаб, шахт билан тортди-ю, бурдалаб ташлабди. Сергей ўзининг озгин, ингичка, нимжон қўлларига бир зум қараб туриб:

- Мени алдаб бўпсанлар! Ҳизмат сафаримнинг тугашига яна икки кун бор, - дебди-ю, астагина эшикни сиртидан қулфлаб, жўнаб кетибди.

"ОЗОДЛИК ҲАЙКАЛИ"НИНГ ОПАСИ...

Аллентаун (Тенсильвания штати)даги қариялар уйида 30 январь куни "Гиннеснинг рекордлар китоби"га дунёдаги энг узоқ яшаган аёл сифатида киритилган америкалик Сара Кнауэс осойиштагина жон берди.

2000 йилни кўришига салгина қолган 119 ёшли Сара Кнауэс 1880 йилнинг 24 сентябрида шахтёрлар шаҳарчаси бўлмиш номи улур Пенсильвания Голливудида туғилган эди. Ер юзининг энг қари фуқароси бўлмиш бу аёл Озодлик ҳайкали ва Нью-Йоркдаги машҳур Бруклин кўпригидан ҳам катта эди. Унинг ҳаёти даврида кўп ишлар бўлиб ўтди: АҚШ еттита урушда иштирок этди, дастлабки автомобиль пайдо бўлди. "Титаник" ҳалокатга учради, Трансатлантикадан биринчи бор учиб ўтганлар. Нил Армстронг ой юзасига қадам қўйганда кампиршо 80 ёшда эди.

Миссис Кнауэс уй бекаси ва сугурта жамиятининг хизматчиси сифатида ўта осуда умр кечирган. "У доимо хотиржам эди. Унинг жаҳлини чиқариб, асабини бузиш ҳеч кимнинг қўлидан келмаган" - дейди марҳуманин "атиғи" 96 ёшга кирган қизи Кэтрин Салливин.



ИЧКИЛИКБОЗГА ТАБИЙ ТЎСИҚ

Нима учун Осиё мамлакатларида асосий аҳолиси оқ танли бўлган мамлакатлардаги нисбатан ичкилик "ишқибоз"лари кам? Бу "сир"нинг тағига Америка олимлари етгандек бўлдилар. Уларнинг аниқлашларича, бунга осийликлар организмга жойлашган ирқий мутант "айбдор" экан. Осийликларнинг организмда спиртли ичимликларга "тоқат" қилолмайдиган, унинг "меъёр"ни белгилаб берадиган фермент - альдегид - дегидрагенез бор экан. Шунинг учун уларга озгина ичкилик ҳам қаттиқ таъсир қилиб, кўнгил айниш, қусиш, нафас қисиши хуружи каби табиий "тўсиқ" келиб чиқаркан. Олимларнинг ҳисоб-китобига қараганда Япония ва Хитойнинг 50 фоиз аҳолиси ирқий мутант боис ичкиликбозликдан табиий ҳимояланган эканлар.



ЎЗ-ЎЗИГА... ҲУКМ ЧИҚАРДИ

Челябинскдаги Знаменки чўққачилик фермасининг қоровули электр иситгични ўчирмай, ўз постини ташлаб кетиши натижасида кучли ёнғин содир бўлди. Ёнғин шунчалик авж олдики, 40 та она чўққа ва 78 та чўққа болаларини қутқаришнинг имкони бўлмади: қишлоқ аҳли асосий даромад манбаидан жудо бўлди.

Ўз совуққонлигининг оқибати қанчалик фожиага олиб келганини англаб етган, ҳамқишлоқларининг кўзига тик қарай олмаган қоровул ўзига-ўзи ҳукм чиқарди - ов милтиги билан... ўзини отди.

"СЕВГИСИ КУЧЛИ"НИНГ ҲАЗАБИ...

"Энг хавфли одамлар - ҳар қандай жиноятдан тап тортмайдиган, қисман руҳий касалга йўлиққан манъяк - шафқатсиз - қотиллардир", - деган фикрга Лондон университетининг олимлари "йўқ улардан ҳам хавфлироқ жиноятчилар бор. Булар - бир-бирини қаттиқ севаган ва бирор сабаб билан ажрашган одамлардир" - дея қарши чиқмоқдалар.

Лондонлик олимларнинг айтишича, севишиб, ажрашган икки жинс вакиллари ҳар қандай шафқатсиз манъякдан ҳам кўра кучлироқ қасоскор бўлиб, доимо бир-бирларини кузатиб, пайт топиб, қасд олиш, ҳатто ўлдиришга мойиллик жиҳатдан ҳар қандай руҳий касалдан ўтиб тушаркан. Уларнинг тадқиқотларидаги 40 фоиз манъяк-жиноятчилар ўз қурбонлари билан аввалроқ севи муносабатларида бўлганлар, 36 фоизи-таниш аёл (эркак)га талафот етказган. Фақат 24 фоизигина ўз қурбонларини аввалдан танимаган. Собиқ севишганларнинг 70 фоизининг бир-бирини "кузатуви" оғир фожиа билан тугаган.

Шунга айтсалар керак-да: "Севгиси кучлининг ғазаби ҳам зўр", - деб...

Матбуот материаллари асосида Ш. ХУДОЙБЕРДИЕВА тайёрлади.

ҚИДИРИЛМОҚДА



Жиззах вилояти Фаллаорол тумани ИИБ томонидан жиноят содир этиб, тергов идораларидан қочиб юрган Насимов Равил Раҳимович қидирилмоқда.

У 1959 йилда Бухоро туманида туғилган, Когон шаҳрида яшаган.

Белгилари: бўйи 175-180 см. ўртача гавдали, оқшдан келган, кўзлари катта, сочи қора, телкал, пешонаси кенг, рус, тожик ва ўзбек тилларида эркин гаплаша олади, мавсумий кийинган.

Р. Насимовни кўрган ёки қаердалигини билганлардан яқин орадаги милиция бўлимига хабар беришларини сўраймиз.

БЕДАРАК ЙЎҚОЛГАН



Тошкент шаҳар А. Икромов тумани ИИБ томонидан Лагутин Алексей Егорович қидирилмоқда.

У етти ёшда, Чилонзор 26-мавзео 21-уй 98-хонадонда яшайди. Шу йил 2 январь куни уйдан чиқиб кетиб, қайтиб келмаган.

Белгилари: бўйи 120 см, озгиндан келган, юзи чўзиқроқ, малласоч, калта, қоши тўғри, бурни тўғри, қулоқлари катта.

Асосий белгилари: қулоғининг орқасида туғма доғи бор, гапирмайди, руҳий касал.

Кийимлари: пушти рангли оқ гулли свитер кийган. **А. Лагутинни кўрган ёки қаердалигини билганлардан яқин орадаги милиция бўлимига ёки 72-99-57, 72-98-13, 72-98-39, 77-92-66 рақамли телефонларга хабар беришларини сўраймиз.**

ДИЛШОДАНИНГ ЯҚИНЛАРИ БОРМИ?



Янгийўл шаҳар вояга етмаганларни қабул қилиш ва тақсимлаш-транзит муассаси томонидан Эргашева Дилшоданин ота-онаси, қариндошлари қидирилмоқда. У 1999 йил 20 ноябрь куни милиция ходимлари томонидан муассасага олиб келинган. Унинг ёши 8 да, ўзини Дилшода Эргашева деб таништирди. Яшаш жойи ҳақида маълумот бера олмади.

Белгилари: бўйи 120-125 см, кўзлари мовий, қошлари ингичка қора, сочлари сарғиш, қулоқлари шалпангроқ, суҳбатлашганда ақлан заифлиги сезилиб туради, саволларга тўлиқ жавоб бера олмайди.

Кийимлари: эғнида сариқ куртка, қизил жемпер, қора қўйлак, оқ-қора катак шим, қора трико, оёғида калиш бор.

Дилшоданин ота-онаси, яқинларидан Янгийўл шаҳар вояга етмаганларни қабул қилиш ва тақсимлаш-транзит муассасасига муурожаат этишларини сўраймиз

САФАР ҚАРИДИ

Милиция сержантлари А. Мамажонов ва Т. Жабборов Фаргона вилоятининг “Уч уй” ДАН масканида навбатчиликни охирига етказай деб қолгандилар. Шу пайт ракия орқали берилган хабар уларни сергак торттирди. Андижон – Тошкент йўналиши бўйича ҳаракатланаётган қизил рангли давлат рақами 17 Е 0599 бўлган олиб қочилган “Тико” автобили изланаётган экан.

Иккови мабодо машина бу маскандан ўтса, уни тўхтатиш чора-тадбирларини келишиб олишиди. Қарангли, хабар берилганидан ҳеч қанча вақт ўтмай Андижон тарафдан келаётган қизил рангли “Тико” кўринди. Бу ўша изланаётган машинанинг ўзи эди. Т. Жабборов ҳайдовчига тўхташ ишорасини қилди. “Тико” ҳайдовчиси ҳийла ишлатди: у аввалига тўхтатмоқчидек машинани секинлатди, йўл четига олди, аммо масканининг тезликни чекловчи қисмидан ўтиши билан газни босди. У тезликни шунчалик кескин оширдик, машина гилдираклари асфальтга ишқаланиб нақ чийиллаб кетди. Қочоқлар инспекторнинг ҳуштагига ҳам парво қилишмади.

ДАН нозирлари иккинчи вариантни амалга оширишга киришишди. Улар зудлик билан ўз машиналарига ўтириб қизил “Тико”ни таъқиб эта бошлашди. “Уч уй” ДАН масканидан 20 км чамаси ўтганда инспекторлар қочоқлар бошқараётган машинани йўл четига қисиб тўхтатишга муваффақ бўлишди. “Тико”дан тушган икки йигит ва бир қиз уни шу кун эрта тонгда Андижондан олиб қочганларига иқроор бўлишди. Машинанинг жабрдийда эгаси эса бу бошқинчиларнинг бўйнига тираган пичоғи тигидан бахтли тасодиф билан қочиб омон қолган эди. “Тико” ишқибозлари машинани Тошкентга олиб бориб пулламоқ ниятида бўлганларини ҳам яшириб ўтиришмади.

Мард, ҳушёр инспекторлар дарҳол изланаётган машина ўғрилари қўлга олингани ҳақида ракия орқали хабар беришди. Тез орада Андижон вилояти ИИБ вакиллари келиб машинани ва уни олиб қочишда гумон қилинаётганларни фаргоналик ҳамкасбларидан белгиланган тартибда қабул қилиб олишди.

Хавфли жиноятчиларни қўлга олиш чоғида кўрсатган қатъийлиги учун А. Мамажонов ва Т. Жабборовлар Фаргона вилояти ИИБ бошлиғининг буйруғи билан муносиб тақдирландилар.

М. КИМСАНБОВ,
милиция подполковниги.

– Хўжайин, қўлингиздан бирор жойда ёлчитиб ишлаб, пул топиш келмас. Келинг, эрмак учун менинг дугоналарим, танишларимнинг қанча тилло тақинчоғи борлигини ҳисоблаймиз, – деб Мастура турмуш ўртоғи Аюбхонга айтганми ёки аксинча, эр-хотинидан қайси таниш аёли, дугонасининг қанча тилло тақинчоғи борлигини суриштирганми – бизга қоронғу. Аммо эр-хотин “тақинчоқшунос”ликка берилиб кетиб, бирин-кетин таниш аёлларига хокисорлик билан йўлиқишиб, бирини “опа” деб, иккинчисини “синглим” деб бу ўта кўнгличан, шафқатли, баъзан охирини ўйламай иш тутиб, “аттангга”га тушиб қолувчи гулрухсорларнинг йигирмадан ортигининг тақинчоқларини “ҳисоб-китоб” қилиб чиқишди. Яъни, масалан, М. Ҳақима исмли таниш аёлининг уйига борган эр-хотин: – Опажон, – дейишди мунгайиб. – Кўриб турибсиз, қўлимиз анча қисқа бўлиб турибди. Бир иш бошлайдесак, маблағ чатоқ. Биламиз, сиз ҳам жа бойвучча эмассиз. Лекин опажон, вақтида маблағ йиғмай тилло йиғиб, тўғри қилган экансиз. Агар шу тақинчоқларингиздан беш-олтитасини бизга вақтинчаликка бериб турганингизда, биз уни ломбардга

кўйиб, жиндай пул олардик. Пулни “айлантириб”, бир-икки ойдан кейин тақинчоқларингизнинг ёнига беш-ўн минг кўшиб берардик...

Эр-хотиннинг ҳокисорлик билан бош эгиб туришини, кўзларида халқаланган ёшларини

тил-у, хушмуомалада эканлигини яхши анлаган эр-хотин қадамларини каттароқ ташлай бошладилар. Натижада жуда оз муддатда М. Дилфузанинг салкам тўрт юз минг сўмлик, Т. Соҳиба, Г. Инобат, Ж. Ҳадича кабилар-

Қилмиш-қидирмиш

лар қарашсаки, ширинсухан эр-хотинга буюм бериб ололмай, сарсон бўлиб юрганларнинг сони анча-мунча. Ана шундагина ўзларининг алданганликларини билиб, долфарёд билан ҳуқуқ-тарти-

алдаб, ҳақини еб кетиши мумкинлигини тасаввур қилолмадилар. Бироқ, далиллар қайсар бўлади: беш-олти эмас, йигирмадан ортиқ аёл кўз ёш тўкиб, “тақинчоқларимни бериб тургандим...” деб турса, бу энди ҳокисорлик эмас, фирибгарлик, жиноят, бировнинг ишончини суистеъмом қилиб, мол-мулкка эгалик қилиш бўлмайди?

1968 йилда туғилиб, бирон-бир фойдали ишга қўл урмай, судланиб ҳам ақлини йиғмаган, ўзи қолиб, рафиқасини ҳам жиноятга ундаган А. Юсупов ва унинг турмуш ўртоғи, дугоналари, таниш аёлларини чув туширишда эридан кам куч сарфламаган М. Отабоевалар Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 168-модда 3-қисми билан айбли деб топилдилар. Улар таниш аёлларининг ишончини оёқ ости қилиб, деярли 5 миллион сўмлик тилла буюмлари ва пулларини йўқ қилиб юборганлар.

Аёлларнинг йўқолган буюмларининг ўрни тўлар. Лекин А. Юсупов ва М. Отабоевага бўлган одамларнинг ишончлари тикланармикин?

О. ДОЛИМОВ,
милиция подполковниги.

“ЗИРАКЛАРИ ТИЛЛОДАН”

Ер юзида зебу-зийнатни ёқтирмайдиган қиз-жувоннинг ўзи бўлмаса керак. Айниқса, улар қимматбаҳо металллардан ишланган бўлса. Шу боис ҳам қиз бола сал ақлини танигандан “дадажон, тилла зирак олиб беринг”, “аяжон, тилла узук олиб беринг” деб эркалик қилади-да. Лекин тақинчоқни йиғиб-йиғиб... Келинг, гапни бир бошдан бошлаймиз.

кўриб кўнгли эриган аёл қандай қилиб уларга меҳрибонлик билан нархи юз минг сўмдан ортиқ тилла тақинчоғини бериб юборганини билмай қолди. Орадан бир неча кун ўтиб Аюбхон ва Мастура М. Ҳакиманинг уйига яна келдилар. Уни “опа, опажон, ишимиз зўр кетяпти, пулнинг тагида қоладиган бўлдингиз. Тақинчоқларингизнинг қолганини ҳам тез беринг, бир ойда фалон пулли бўласиз”, – дея бошини айлантириб, яна 120 минг сўмдан ортиқ нархдаги тақинчоқларини олиб кетдилар. Ва шу билан “тақинчоқшунос”лик бошланди.

Биринчи қадамлари омадли бўлганини, омадининг “қалити” ширин

нинг салкам ярим миллион сўмлик тилла буюмларини ва нақд пулларини қўлга киритиб, ҳаш-паш дегунча ҳазм қилиб юбордилар.

Бироқ “емоқнинг...” деганларидек, олмоқнинг бермоғи ҳам бор. Эр-хотиннинг ширин гаплар билан илондек аврашларига маҳлиё бўлиб, борбудларини икки қўллаб топшириб қўйган аёллар ҳам бирин-кетин “тақинчоғимни, пулимни беринглар”, дея тикилинч қила бошладилар. Шунда эр-хотин яна бир янгилик “ихтиро” қилишди, яъни унинг дўпписини бунга кийгазиб, бир аёлдан олган буюмнинг пули билан иккинчисини “рози” қилишга уринишди. Аёл-

бот ходимларидан нажот сўраб, югуриб қолдилар.

Бу ҳаддан ташқари чигал ва уч-кеги йўқ ишни кўриб чиқиш ва эр-хотин Аюбхон Юсупов ва Мастура Отабоеваларнинг айбини исботлаш учун Давлатобод тумани ва Наманган шаҳар ички ишлар бўлимлари, вилоят ИИБ тергов бўлими ходимлари озмунча тер тўкмадилар. Чунки заргарлик буюмларининг “шайдолари” ўз “иш”ларини шунақанги пухтали ва усталик билан амалга оширган эдиларки, даъвогарлар ҳамон улар ўзларига фириб бериб, буюмларини “гум” қилганлигига ишона олмас, шундай “ширинсўз, ҳокисор” эр-хотин фирибгарлик, бировларни

Бугун байрам. Бу байрамда меҳр-саховат улашилади. Ҳамма: таниш-нотаниш бир-бирини байрам билан қутлаб, ширинлик билан сийлайди. Бугун ҳеч ким бир-бирини ранжитиш, кўнглини оғритиши мумкин эмас. Зеро Яратган ҳамма вақт ҳам инсон бир-бирига ёмонлик қилишини кечирмайди, ҳаммани аҳил, иноқ яшашга буюрган.

...Чирчиклик Вера холанинг эшиги тақиллади. Қўниқўшчилар байрам билан табриклагани чикқандир, деган хаёлда эшик очган Вера хола останада турган 25-30 ёшлардаги йигитларни кўриб, ажабланмади: бу меҳрибон ва беозор онахоннинг эшигини кеча-ю-кундуз одамлар тақиллатадилар: кимнингдир қизалогининг томоғи оғрийди, яна бирининг ўғилчаси кечаси ёмон ухлайдиган бўлиб қолди – ширинсўз бувижон болаларнинг “касали” сабабини билди ва ўзича даволайди. Шу боис, кўмак сўраб келган бегона одамдан ҳайикмайди у.

– Бувижон, байрамингиз муборақ! Сал мазам қочиб қолди, озроқ сув берсангиз.

Озарбайжон йигит – Арсеннинг (исмлар ўзгартирилган) бу илтимосини жондиди билан бажариб, сув олиб чиққан Вера хола ичкарига икки-уч қадам юрмасидан кучли қўллар уни маҳкам ушлади. “Пуллар қаерда? – ҳозиргина ширин сўзлаб турган йигитнинг важоҳати-

дан кўрқулик эди. Вера хола:

– Ўғлим, атиги икки ярим минг сўм пулим бор. Майли, икки минг олиб олсангиз, беш юзи нафақагача ишлати-

ОЛТИ СОАТДА ОЧИЛГАН ЖИНОЯТ

Лавҳа

– Э, бизни алдай олмайсан, кампиршо. Қани, пулларни топ.

Давангидай икки йигит бир кам саксон ёшли аёлни аямай урдилар, қўлларини пичоқ билан тилдилар. Қаттиқ кўрқув ва азобдан аёл ҳушидан кетди.

Босқинчилар ёлғиз яшовчи бу қариянинг ҳеч кимдан гумонсирамай, шундоқ юзага қўйган жами 1 миллион сўмдан ортиқ пул ва тилла буюмларини – умр бўйи ўлимликка йиққан-терганини олиб кетдилар.

Воқеа маълум бўлгач, Тошкент вилояти ИИБ Жиноят-қидирув бўлимининг бошлиғи милиция полковниги Р. Акбаров зудлик билан Чирчиққа жўнади. Дарҳол Чирчиқ шаҳар ИИБ бошлиғи милиция полковниги С. Облобеков, ўринбосари подполковник Т. Ирисбоев, ЖКБ бошлиғи милиция капитани Б. Тошметов ва бошқа ходимлар ва эксперт-кинологлар иштирокида тез-

кор йиғилиш ўтказилиб, бошқинчи талончиларни ушлаш режаси ишлаб чиқилди. Шаҳар атрофи ўраб олинган бўлди. У участка вакили милиция майори С. Азимов,

Вилоят ИИБ ҳаётидан

машаққатли томони кўпроқ. Лекин жиноят очилиб, айбдор топилган онда уйқусиз тунлар, айбдорни топиш бо-

пиб беришига сира ишонмагандим, – дейди севинч ёшлари талончилар мушти зарбидан кўқарган юзлари-

дан оқиб тушаётган Вера хола. – Ёлғизлигим боис, ўлсам, бировга огирим тушмасин деб шу мол-дунёни тўплагандим. Энди биламан: менинг бошимга тушган ташвишни

аритиш учун жон-дили билан ҳаракат қилган милиция ходимларининг ҳар бири – менинг болаларим, улар мени ёлғизлатиб қўймадилар. Илтимос қиламан, мана шу пуллар, мол-мулкимни ички ишлар идоралари ҳисобига ўтказинглар, болаларимга буюрсин улар.

– Онажон, пешона терингиз, меҳнатингиз билан топилган маблағингиз ўзингизга буюрсин, – ҳамманинг номидан гапирди милиция майори Э. Жўраев – Сиз сира хавотирланманг, болаларингиз доимо сиздан хабар олиб туришади. Ҳали юз ёшга кириб, тўйлар қиласиз.

Вера хола тезкор гуруҳ аъзоларининг ҳар бири билан алоҳида хайрлашаркан: – Болажонларим, худонинг ўзи асрасин сизни! – дея дуо қиларди...

Рустам ЁДГОРОВ,
ички хизмат майори.

расидаги ҳамма машаққат, оғирликлар, чарчоқлар унутилади, қалбларга ўз касбидан қониқиб завқи тўлади; ходим яна куч-қувватга тўлиб, янги-янги вазифаларни бажаришга шай туради. Бу касб шунақа – оғир ҳам, ёнгли ҳам ўзига хос.

Касбга доир сир-синаотларни қўллаган тезкор гуруҳ кўп ўтмаёқ талончиларнинг изига тушдилар. Бу ишда хизмат ити – Гретанинг ҳам ўзига яраша ҳиссаси бўлди. Жиноят содир бўлганидан олти соат ўтгач эса айбдорлар ҳали яшириб улгурмаган далилий ашёларни бирин-кетин тезкор гуруҳ ходимлари ва холис гувоҳлар олдида столга қўйиб, қай бирини қай тарзда олганларини, Вера Глотовага қандай азоб берганликларини сўзлаб бермоқда эдилар.

– Тўғрисини айтсам, милиция ходимлари бу жиноятни очиб, мол-мулкимни то-

Амангельди Курваналиевич ҚАЮМОВ



Олмалик шаҳар ИИБ милиция қидирув хизмати ЖКБ тезкор вакили, милиция майори Амангельди Қайумов хизмат вазифасини бажараётган пайтида, хавфли жиноятчи билан бўлган тўқнашувда фожиали равишда ҳалок бўлди.

А. Қайумов 1962 йилда Тошкент туманида туғилди. Ички ишлар идораларидаги хизмат фаолиятини 1983 йилда бошлади. 1987 йилда

Тошкент Олий милиция мактабини битириб, Оҳангарон туман ИИБ ЖКБ тезкор вакили, Тошкент вилояти ИИБ жиноят-қидирув, уюшган жиноятчилик ва коррупцияга қарши кураш бўлими тезкор вакили, Олмалик шаҳар ИИБ МКХ ЖКБ тезкор вакили лавозимларида виждонан хизмат қилди.

У қайси вазифада ишласин, камтарлиги талабчанлиги, касбдошларига ғамхўр, дўст ва моҳир изқуварлиги билан ажралиб турарди. Намунали хизмати учун бир неча бор рағбатлантирилган. У икки фарзанднинг меҳрибон отаси эди.

А. Қайумовнинг хотираси қалбларимизда мангу сақланади.

Марҳумнинг оила аъзоларига, яқинларига чуқур ҳамдардлик билдирамыз.

Тошкент вилояти ИИБ
раҳбарияти ва шахсий таркиби.

Жаҳонгир Абдужалилович ҚҶЗИБОВ



Шу йил 22 январь куни тунда ўз хизмат ҳудудида икки нафар жиноятчини қўлга олиш чоғида Жиззах шаҳар ички ишлар бўлими профилактика хизмати воёга етмаганлар билан ишлаш инспекцияси инспектори, милиция лейтенанти Жаҳонгир Абдужалилович Қўзибоев мардларча ҳалок бўлди.

Жаҳонгир Қўзибоев 1976 йилда Ғаллаорол шаҳрида

туғилди. 1998 йил Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясини тамомлагач, Жиззах шаҳар ички ишлар бўлимида хизматни бошлади.

Ж. Қўзибоев хизмат фаолияти давомида ўз фидоилиги, бурчга садоқати, ҳушмуомалалиги, оққўнчилиги ва бошқа инсоний фазилатлари билан ҳамкасблари ҳамда хизмат ҳудудида яшовчи фуқаролар ўртасида ҳурмат қозонди. У халқ осойишталигини сақлашни фахр деб билган жонкуяр ва иқтидорли ёш милиция ходими эди. Оилали, бир нафар ўғилнинг отаси эди.

Милиция лейтенанти Жаҳонгир Қўзибоев қалбимизда мангу яшайди. Марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдирамыз.

Жиззах вилояти ИИБ
раҳбарияти ва шахсий таркиби.

Абдуҷамил Тўйчиевич Бойжоно́в



Тошкент шаҳар ИИББ ППХБ милиционері Абдуҷамил Тўйчиевич Бойжоно́в шу йил 25 январь куни тунда хизмат вазифасини бажараётганда қуролланган хавфли жиноятчиларни қўлга олиш чоғида мардларча ҳалок бўлди.

Абдуҷамил Бойжоно́в 1975 йилда Тошкент туманида туғилган. Ҳарбий хизматни ўтаб келгандан кейин Тошкент шаҳар ИИББ ўқув марказида таҳсил олди.


У ички ишлар идораларида хизматини 1998 йилда Тошкент шаҳар ИИББ ППХБ бўлимида бошлади.

А. Бойжоно́в хизмат фаолияти давомида вазифасига, бурчига садоқатлилиги, яхши дўст ва бошқа фазилатлари билан ҳамкасблари ўртасида ҳурмат ва раҳбариятнинг эътиборини қозонди. Оилали ва бир ўғилнинг отаси эди.

Милиция сафдори Абдуҷамил Бойжоно́внинг хотираси қалбимизда мангу қолади. Марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдирамыз.

Тошкент шаҳар ИИББ,
ППХБ раҳбарияти ва шахсий таркиби.

КРОССЧАЙНВОРА



сига мансуб жануб паррандаси.

КРИПТОГРАММА

Авалло куйида таърифланиб, рақамларда ифодаланган очқич сўзларни топинг.

1. Ўқув машғулоти — 1, 6, 10, 7.

2. XI аср донишманд ижодкори Юсуф Хос Ҳожибнинг нодир асари номидан: “Кутадгу 5, 2, 3, 2, 9”.

3. Ҳисоб ишларида фойдаланиладиган содда анжом — 13, 14, 15.

4. Маълум бир масалани ҳал этишга бағишланган анжуман — 11, 4, 8, 9, 6, 12.

Энди шакл атрофидаги рақамларни очқичдаги мос ҳарфлар билан алмаштириб, криптограммани ҳал этинг. Ундан ўрта аср қомусий алломаси бўлган ватандошимиз Абу Али ибн Сино ҳикматларидан бири аён бўлади.

Ғозилжон ОРИПОВ тузди.

ГАЗЕТАМИЗНИНГ ЎТган Сонида ЧОП ЭТИЛГАН ЧАЙНКРОССВОРДНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

1. Она. 2. “Анор”. 3. Рок. 4. Куз. 5. Зирк. 6. Корт. 7. Тайм. 8. Мурч. 9. Чарх. 10. “Халқ”. 11. Кум. 12. Мош. 13. Шарф. 14. Флот. 15. Тур. 16. Рух. 17. Ҳинд. 18. Дори. 19. Ион. 20. Нун. 21. Нота. 22. Араб. 23. Банк. 24. Кран. 25. Ноёб. 26. Буғу. 27. Умр. 28. Рус. 29. Сано. 30. Оғиз. 31. Зоғ. 32. Ғоз. 33. Зонд. 34. Диск. 35. Кит. 36. Тун. 37. Неру. 38. Усул. 39. Лаъл. 40. “Лада”. 41. Асра. 42. “Аякс”. 43. Суд. 44. Дук. 45. Кюри. 46. Икар. 47. Рейд. 48. Дунё. 49. Ёз. 50. Заир. 51. Рим. 52. Мола. 53. Авж. 54. Жияк. 55. Кагу. 56. Удум. 57. Мулк. 58. Крем. 59. Морж. 60. Жон. 61. Нов. 62. Вена. 63. Арк. 64. Кино.

МУАММОНОМА

Ҳикмат:

*Яхши хулқли бўлган ҳамда соф кўнгли,
Одамларга доим инсофли бўлган,
Бу меҳнатхонада яхшироқ ёмон
Учрайди, яхшилик қилавер ҳамон.*

KELGUSI HAFTA UCHUN MUNAJJIMLAR BASHORATI

ҚҶЙ (21 март — 20 апрель). Ҳафтанинг бошида юзага келган муаммони ҳал этиш учун кўп куч сарфлашингизга тўғри келади. Чоршанба куни орттирган янги танишингиз ҳақида бирор хулоса чиқаришга шовилманг. Жума куни молиявий ютуққа эришасиз.

СИГИР (21 апрель — 21 май). Мазкур ҳафтада эски қарзларингиздан қутулишга муваффақ бўласиз. Пайшанба куни яқин кишингиз ўзига эътибор беришингизни талаб қилади. Касбингиз билан боғлиқ вазифаларни ҳал этиш учун жума кулай кўндир. Ҳафтанинг охирида узоқ сафарга боришингизга тўғри келади.

ЭГИЗАКЛАР (22 май — 21 июнь). Душанба куни ишбилармонлик музокаралари муваффақиятли яқунланади. Чоршанба куни ишқий саргузаштнинг гувоҳи бўласиз. Шанба куни яхши харид қилимоқда.

ҚИСКИЧАҚА (22 июнь — 23 июль). Ҳафтанинг биринчи куни моддий аҳолининг яхшилаб оласиз. Шахсий ҳаётингиздаги муаммоларни чоршанба ва жума кунлари ҳал этмаганингиз маъқул. Ҳафтанинг охирида саломатлигингизни яхшилаш ҳақида ўйлашни маслаҳат берамыз.

АРСЛОН (24 июль — 23 август). Сешанба куни муҳим ишбилармонлик учрашуви бўлиб ўтади. Янги лойиҳани бажариш учун керакли маълумотни чоршанба куни қўлга киритишга муваффақ бўласиз. Якшанба куни дўстлар билан дийдорлашув бир олам қувонч бахт этади.

БОШОҚ (24 август — 23 сентябрь). Душанба куни ишонангизда низо келиб чиқиши эҳтимолдан холи эмас. Чоршанба ва пайшанба кунлари баракали ижод қиласиз. Шанба куни оилавий тотувликдан кўнглингиз тоғдек кўтарилади.

ТАРОЗИ (24 сентябрь — 23 октябрь).

Душанба ва чоршанба кунлари барча ўйлаган режаларингиз амалга ошади. Чоршанба-пайшанба кунлари хаддан ташқари берилиб ишланган, бу соғиянингизга таъсир этиши мумкин. Шанба куни хушхабарлар эшитасиз.

ЧАЁН (24 октябрь — 22 ноябрь).

Яқин кишингиз сешанба куни совға инъом қилади. Ҳафтанинг иккинчи ярмида қўтилиётган машаққатли сафарлар келгуси маъингизга ўз таъсирини кўрсатади.

ЁЙ (23 ноябрь — 21 декабрь).

Сешанба куни қўзланган юмушларни бажариш учун кўп особиёлашингизга тўғри келади. Сизнинг фаол саяё-ҳаракатингиз жума куни ўз мевасини беради.

ТОГ ЭЧКИСИ (22 декабрь — 20 январь).

Душанба куни янги танишлар орттириб, ажойиб инсонлар билан мулоқотда бўласиз. Қўшимча даромад ишлаб олиш имконияти чоршанба куни юзага келади. Жума куни асаббузарликлар қўтилимоқда. Дом олиш кунлари уюмушлари билан шуғулланишни маслаҳат берамыз.

ҚОВГА (21 январь — 19 февраль).

Ҳафтанинг бошида касбингиз юзасидан ютуқларга эриша олмайсиз. Чунки бу даврда руҳингиз тушиб кетади. Жума куни дўстларингизга ўз фазилатларингизни намоён этасиз, якшанба куни кўнглини учрашув қўтилимоқда.

БАЛИҚ (20 февраль — 20 март).

Сешанба куни олисдан хушхабар эшитасиз. Оилавий низо пайшанба куни келиб чиқади. Жума куни моддий аҳолинингиз яхшилаб оласиз. Дом олиш кунларингиз фасол ўтади.

Тошкент вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби Янгийўл шаҳар ИИБ бошлиғи милиция полковниги Мирзозам Мирзаевга акиси **Абдумурот МИРЗАЕВ**нинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдирадilar.

Қашқадарё вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби ИИБ тергов бўлими терговчиси милиция майори Бердир Тўраевга қизи **МАЛИКА**нинг бевақт вафоти билан чуқур таъзия изҳор қилдилар.

Қашқадарё вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби ИИБ ШТБХ катта инспектори ички хизмат катта лейтенанти Файзулла Раҳмоновга онаси **Елена МАХМУДОВА**нинг вафоти билан чуқур ҳамдардлик билдирадilar.

Сурхондарё вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби ИИБ катта инспектори милиция майори Ж. Маматмуродовга онаси **УҒИЛОЙ** аянинг вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдирадilar.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI IV BIRLASHGAN TAHRIRIYATI

MANZILIMIZ:
700029,
Toshkent,
Yunus Rajabiy
ko'chasi, 1



Gazeta haftaning juma
kunlari chiqadi.

Bosh muharrir Zokir ATAYEV

Muharrir
Erkin SATTOROV
(Bosh muharrir
o'rinbosari v.b.)

Navbatchi:
S. SHAMSIDDINOV
Mushahhiilar:
M. AKRAMOVA
G. XOLIQOVA
Sahifalovchi va dizayner:
A. MIRZAMUHAMEDOV

TELEFONLAR:
Bosh muharrir
o'rinbosari — 139-77-23.
mushahhiilar
bo'limi 139-75-69.
Faks 54-37-91.

Gazeta tarqatish masalalari
bo'yicha murojaat uchun
faks: 54-37-91,
peyjer: (088) 36-97, 55-19.

Reklama bo'limi
peyjer (088) 55-54

Bizning hisob raqamimiz
O'zbekiston Respublikasi
Markaziy banki
Toshkent shahar Bosh
boshqarmasi hisob-kitob —
kassa markazida:
21506000200447980001,
MFO 00014.

- Ko'chirib bosishda «Postda» dan ekanligini ko'rsatish shart
- Maqolada keltirilgan raqamlar, faktlar va boshqa ma'lumotlar, shuningdek, ochiq e'lon qilinishi mumkin bo'lmagan ma'lumotlar uchun muallif javobgar hisoblanadi.
- Muallifning mulohazasi tahririyat fikriga mos tushmasligi mumkin.
- Qo'lyozmalar tahlil qilinmaydi va qaytarilmaydi.

Gazeta IBM kompyuterida
terildi va sahifalandi.

Ro'yxatdan o'tish
tartibi № 00007.
Buyurtma Г — 023.
Hajmi — 4 bosma taboq.
Bosilish — ofset usulida.

Bosishga topshirish
vaqti — 19.00.
Bosishga
topshirildi — 18.00.

Obuna raqami — 180

115 784 nusxada
chop etildi.

«SHARQ»
nashriyot-matbaa konserni
bosmaxonasi.
Korxonaning manzili:
Buyuk Turon ko'chasi
41-uy.

1, 2, 3, 4, 5, 6.